21 ФЕВ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 37 (20. 904) 1991 йил 21 февраль, пайшанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

«Совет Ўзбекистони», ТАСС ва ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар

Республикамизда

• 17 март–СССР референдуми куни

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

● 20 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов бошқариб борди.

Раёсат СССР референдуми республика Марказий комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедовнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш масаласига доир референдумни ўтказишга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақидаги ахборотини тинглади.

Бўлажак референдум СССР халқлари, жумладан Ўзбекистон халқлари тақдири учун ғоят муҳим сиёсий аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди. Бинобарин референдумга тайёргарлик ва уни ўтказишда фаол иштирок этиш давлат идораларининг, жамоат ташкилотларининг, барча бўғинлардаги халқ депутатларининг вазифасидир.

Ўзбекистоннинг маҳаллий хусусиятлари ҳисобга олиниб ва ўртага қўйилган масаланинг моҳиятини жумҳурият фуқаролари аниқ ва равшан тушунишларини таъминлаш мақсадида овоз бериш учун қўшимча бюллетень тайёрлаш зарур деб топилди, қўшимча бюллетень референдум куни Иттифоқ идораси тасдиқлаган бюллетень билан қўшиб берилади.

Фикрлашув якунларига биноан қўшимча бюллетеннинг қуйидаги мазмундаги матни тасдиқланди: «Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (федерация) таркибида мустақил тенг ҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?»

Раёсат мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарори

ҚОЗОҒИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ССР ИТТИФОҚИ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ОЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ ҲАҚИДА

Қардош Қозоғистон парламентининг ССР Иттифоқи жумҳуриятлари давлат ҳокимиятлари олий органларига Мурожаатномасида ифода этилган олижаноб интилишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Қозоғистон ССР Олий Кенгашининг янгиланган СССР Федерацияси таркибида суверен республикалар бирлигини мустаҳкамлаш, мамлакатдаги иқтисодий ҳамда сиёсий инқирозни ҳамжиҳатлик, жипслик йўли билан тезроқ бартараф этиш зарурлиги тўғрисида ССР Иттифоқи жумҳуриятларининг Олий Кенгашларига қилган Мурожаатномаси маъқуллансин.

2. Тоталитар системани, унитаризмни, раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини таг-туби билан йўқотиш учун курашиш ўрнига мамлакатда сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, фуқаролар орасида зиддиятларни кескинлаштиришга, «қонунлар жангини» кучайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир бўлмоқдаки, бузғунчи кучларнинг бундай хатти-ҳаракатларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистоннинг туб сиёсий ва иқтисодий манфаатларига асосланган ҳолда янгиланган Совет Федерацияси таркибида жумҳуриятимизнинг мустақиллигини янада кенгайтириш ва теранлаштиришга қаратилган сиёсатни изчил амалга ошириш Ўзбекистон ССР ҳукуматига топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

Рўзнома саҳифаларида:

● Она тили — муқаддас. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги халқимизнинг азалий орзуси ушалишида дастлабки қадам бўлганди. Уни ижро этишда ҳамон бепарволик «касаллиги» хуруж қилаётганлиги ҳар бир кишини ташвишлантирмоғи керак.
(Ж. Хушбоқовнинг «Бепарволик «касаллиги» сарлавҳали мақоласидан).
2-БЕТ.

● Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси материалларини эълон қилишни давом эттирамиз. Бугун «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунлари лойиҳалари ҳақидаги маърузаларни ўқийсиз.
3-БЕТ

● «Юртнинг осойишталиги миллион-миллион софдил кишиларнинг мақсадидир. Бу йўлда куч-ғайратларини парчалаш эмас, аксинча, бирлаштириш лозим... Мамлакат ва халқлар бахт-саодати йўлида адолат йўлидан чекинмайлик.
(А. Ҳасановнинг «Ислом олами ва ижтимоий ҳаёт» мақоласидан).
4-БЕТ

● Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари шанбаликка чиқишди. Шанбалик меҳр-оқибат ва тинчлик фондини бойитиш шиори остида ўтди. Авиасозлар ишлаб топилган маблағнинг 75 фоизини цехларда қолдириб, 25 фоизини Ўзбекистон Тинчлик фондига йўллашди. Цехда қолдирилган маблағлар корхона меҳнат жамоасининг меҳр-оқибат йўлидаги харажатларига сарфланади.

Суратларда: 1. Илғор ишчилардан Рашид Тошпўлатов (чапдан) ва Ғайрат Ҳакимов. 2. Шанбаликда алоҳида ибрат кўрсатган йиғувчи-слесарлар А. Деминков, В. Тўхтаназаров, Р. Холтўраев, бригадир А. Ешмуродов ҳамда ишчи Ю. Хрипко.

А. ТУРАЕВ олган суратлар.

Иттифоқимизда

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ХОДИМЛАРИНИ СССР ОРДЕНЛАРИ ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш ишига катта шахсий ҳисса қўшганликлари учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан

Ольга Юрьевна **Пославская** — профессор.

Мардон Аюбович **Собиров** — кафедра мудири.

Халқлар Дўстлиги ордени билан

Алексей Яковлевич **Соколов** — кафедра мудири.

Владлен Усмонович **Юсупов** — декан.

Ҳурмат ордени билан

Турсун Абдураҳимович **Азларов** — декан.

Маҳмуд Асқарович **Маъ-рупов** — кафедра мудири.

«Шавкатли меҳнати учун» медали билан

Анвар Хўжақулович **Жулиев** — декан.

«Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан

Асрор Абдуваҳобович **Абдураҳимов** — илмий бўлим бошлиғи.

Галина Андреевна **Малина** — илмий котиб.

Владимир Дмитриевич **Тушняков** — автомобиль ҳайдовчиси.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 19 февраль.

СССР Олий Кенгашининг қарори

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, НАРХ-НАВО СИЁСАТИНИ ЎТКАЗИШ ВА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АХБОРОТИ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. СССР Вазирлар Маҳкамасининг СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Кенгаши қарорларига мувофиқ истеъмол бозорини барқарорлаштириш, нарх-наво сиёсатини ўтказиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашишини таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги ахборотни маълумот учун қабул қилинсин.

2. СССР ҳукуматига ўтказиладиган тадбирларни олдиндан компенсация чора-тадбирларини амалга ошириш билан ва СССР халқ депутатлари айтган мулоҳаза ҳамда таклифларни эътиборга олиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоялашишини кучайтириш билан албатта мустаҳкамлашни таъминлаш топширилсин.

3. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга оид комплекс чора-тадбирларни ўтказишда СССР фуқароларининг меҳнат қилиш ва одилона ҳақ олиш, уларнинг қонун олдидаги тенглиги ва барча республикалар фуқароларининг тенг ҳуқуқлилигидан иборат конституциявий ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишига асослансин.

Мамлакат аҳолисига чакана нархлар ўзгартирилишидан келиб чиқадиган қўшимча харажатларнинг ўрни ягона қоидаларга биноан қоплансин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 19 февраль.

БОШИ БЕРК КЎЧАДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИНИ ТОПИШ КЕРАК

Сифат жиҳатидан янги иқтисодий шароитдагина халқ хўжалигини барқарорлаштириш, саноат ишининг меъёрдаги маромини йўлга қўйиш мумкин бўлади. 19 февраль куни Москвада очилган директорлар Бутуниттифоқ съезди қатнашчиларининг фикри ана шундай.

Анжуманга 1300 дан ортиқ киши — давлат бирлашмалари, заводлар, ижарачи жамоалар, қўшма фирмалар ва кооперативларнинг директорлари келишди. Анжуман ишида СССР Президенти М. С. Горбачев, Бош вазир В. С. Павлов қатнашмоқдалар.

СССР илмий-саноат уюшмасининг президенти А. И. Вольский маъруза қилди. Съезднинг вазифаси умумий саъй-ҳаракатлар билан бозор механизмини реал иқтисодиётга жорий этиш йўлларини топишдан иборат. Маърузачи иқтисодиётдаги структура ўзгаришларини амалга ошириш йўлидаги тўсиқларнинг асосий сабаблари орасида турли даражадаги қонун чиқарувчи ва ижроия идораларининг иқтисодиёт турли секторлари вазифаларини, мулкчиликнинг турли шакллари ва минтақаларни бир хил шароитга солиб қўядиган ялпи чоралар ва қарорлардан фойдаланишга уринишлар бўлаётганлигини айтиб ўтди.

Съезддаги деярли барча нутқларда Умуминттифоқ бозори буюк давлатни сақлаб қолади, бозорга ўтишдан бошқа йўл йўқ, деган фикр айтилди. Саноат раҳбарлари Иттифоқ шартномасини имзолашни мумкин қадар тезлаштириш керак, бу шартноманинг имзоланиши иқтисодий турмушдаги кўпгина муаммоларни ҳал қилади, деган фикрга қўшилдилар.

Иқтисодиётдаги танглик маъмурий усуллардан иқтисодий усулларга ўтишдаги табиий қийинчиликларнинг натижаси эмас, балки аниқравшан ва мақбул дастур йўқлигининг, ўзгартишларни амалга оширишдаги хатоларнинг оқибати эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Директорлар СССР Президентидан, парламент ва ҳукуматдан иқтисодий қонунларни қабул қилишни жадаллаштиришни талаб қилдилар, бу қонунларнинг кўплари аллақачон ишлаб чиқилган ва экспертизадан ўтган. Айни пайтда амалдаги бир қанча ҳужжатлар танқид қилинди, анжуман қатнашчиларининг фикрича, бу ҳужжатлар бозор муносабатларига ўтишга анча тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан Президентнинг иқтисодий бузғунчилик тўғрисидаги Фармони тилга олинди. М. С. Горбачев луқма ташлашига, баъзи нотиқларга давлат ҳужжатлари матнини диққат-эътибор билан ўқиб чиқиб, уларни тўғри талқин этиш тўғрисида маслаҳат беришига тўғри келди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда. Саноат раҳбарлари боши берк кўчадан чиқиш йўлини топишга, бозор нормал ишлайдиган шарт-шароитларни аниқлашга уринмоқдалар.

(ТАСС).

• СССР Президенти Фармони қандай бажарилмоқда?

ТАҚЧИЛЛИК ТЕГИРМОНИГА КИМЛАР СУВ ҚУЙЯПТИ?

СССР Президентининг «Иқтисодий бузғунчиликка ва иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги Фармони қандай бажариляпти? Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғи А. К. Абдураҳмонов шундай дейди:

— Фармон ички ишлар ва давлат хавфсизлиги идораларининг ҳуқуқларини оширди. У бамисоли бир туртки бўлиб, тақчиллик, қимматчилик тегирмонига сув қуяётганларни фош этиш ишини жонлантирди.

Бир қарашда мусичадек безарар кўринган Карим Турдиев деган йигит (Сариосиё районидаги «Обзаранг» ресторани буфети мудири) иқтисодиёт бузғунчиси экани маълум бўлди. У дўконида 7500 пачка олий нав сигарет ва жуда кўп миқдорда ароқни беркитиб қўйган. Бу товарлар кирим қилингани ҳақида ҳужжатлар йўқ. Сигаретнинг бир қутичасини 2 сўмдан, ароқнинг шишасини 15 сўмдан пуллаётгани устида қўлга тушди.

Энди Бойсундан эшитинг: бу ерда шойи тўқиш фабрикаси, фабриканинг Хайрулла Тоғаев, Файзулла Ҳайитов деган цех бошлиқлари бор. Тақчиллик уларнинг ғирром ниятларига қўл келди. 500 метр беқасам устига икки баравар нарх қўйишиб, фабриканинг ўзида пуллаб юборишди. Фабриканинг таъминот ва тақсимот бўлими мудири Қудрат Ҳасанов бўлса янада баландроқ дорга осилди. Шу йил 25 январь куни у Қашқадарёнинг Ғузор матлубот жамиятига қарашли 10-дўкон мудири Мавлон Ҳақбердиев билан тил бириктирди. Вильнюс шаҳридан келтирилган метри 1 сўм 25 тийинлик 44 минг метр газмолларнинг ярмини Ҳақбердиевдан олиб, метрини 2 сўм 30 тийиндан қалбаки расмийлаштириб, фабрикага кирим қилдирди. Қолган ярмини ўзлари «саранжом» қилишди. Фабрика раҳбарияти бу ишнинг қинғирлигидан кўз юмиб, ўша газмолдан кийим-кечак тайёрлашга, маҳсулотни қиммат баҳода сотишга оқ фотиҳа берди.

Шеробод давлат автомобиль инспекцияси бекатида фош этилган ишга эътибор беринг. Қайдасан, Чимкент, деб йўлга тушган иккита «Алька» автомашинаси тўхатилди. Тинтув давомида машиналарга 200 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ортиб олингани аниқланди. Бу молларни чекка Комсомолобод матлубот жамияти раиси Қилич Кенжаев инъом қилган экан. Бу ҳотамтойлик беҳудага бўлмаган, ахир, Кенжаевнинг хайри-эҳсон қилмоқчи бўлган моллари вилоятимиз савдо омборларига қайтарилди. Бу тадбирларни ҳали хамир учидан патир дейиш мумкин. Истеъмол моллари омборларда, савдо тармоқларининг қоронғу бурчакларида, бузғунчиларнинг уйларида эмас, магазин пештахталарида турмоғи лозим. Ишимизни ҳамиша шу мақсадга йўналтирамиз.

О. УСАНОВ ёзиб олди.

ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА

Ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартлари қандай? Улардан бири жамият фуқаролари қонунчиликни кўпроқ билишлари керак. Ҳозирги пайтда олий ҳуқуқий таълим шохобчаларини кенгайтириш, ҳуқуқий академиялар, олийгоҳлар, шунингдек, тўрт йиллик олий мактаб тузиш ҳақида гап-сўз бўляпти. Бу яхши, албатта, Аммо биз эътиборни ишнинг аниқ бир қиррасига қаратмоқчимиз.

Маълумки, ўрта мактабларда ҳам совет қонуни асослари фани ўтилади. Бироқ чет элдагидан фарқи шундаки, бизда бу фан факультатив соатга киритилган. Яъни предмет ўтиб бўлингач, у бўйича ўқувчилардан имтиҳон олинмайди. Демак, болалар фанни қай даражада ўзлаштирганн ҳеч кимни қизиқтирмайди. Эҳтимол, бу нарсага қўл силтаб қўйиш ҳам мумкин бўларди.

— Факультетимизга кираётган ёшларнинг ҳуқуқ билимларига бўлган муносабатини аниқлай олмаяпмиз. Чунки, улардан совет ҳуқуқи асослари фанидан имтиҳон олишнинг имконияти йўқ. Сабаби, бундай фан етуклик аттестатида қайд этилмаган, — дейди Самарқанд дорилфунуни ҳуқуқшунослик кулliёти декани вазифасини бажарувчи доцент З. Муқимов.

Шундай экан, бу ерда ўқувчиларнинг совет қонунчилиги асослари бўйича билимини синаш ўтказилмайди. Ваҳолонки, Бошқирдистон, Латвия, Литва, Воронеж, Одесса, Тбилиси, Киевдаги дорилфунуларда бундай имтиҳонлар ҳар йили олинади. Шу боисдан ҳам мазкур ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг аксарияти ҳуқуқий жиҳатдан пухта билимга эга.

Хуллас, жумҳурият Халқ таълими вазирлиги раҳбарларига таклиф киритмоқчимиз: жумҳуриятимиз ўрта мактабларида совет қонуни асослари фани ўқитилишини янада яхшилаш ва бу фанни етуклик гувоҳномасидаги рўйхатга киритиш чораларини кўрсак қандай бўларкин?

Фармон ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хорижда

● БМТ. Совет Иттифоқининг Форс кўрфазидаги тангликни бартараф этишга оид ташаббуси хусусида батафсил ахборот берганлиги учун СССР Президентидан ва мамлакатингиз ҳукуматидан миннатдорман, деди сешанба куни БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Кузльяр ТАСС мухбири билан бўлиб ўтган қисқа суҳбатда.

Бундан олдин Михаил Горбачевнинг мазкур ташаббусга тааллуқли маҳфий мактуби Бош котибга топширилганди. Мен Ироқ ташқи ишлар вазири Тариқ Азизнинг Москвада бўлиши кўп миллатли кучларнинг қуруқликда ҳужум қилишининг олдини олишда тарихий имконият яратади, деб ҳисоблайман. У бундай ҳужумнинг юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳалокатли бўлади, деб таъриф берди.

● ВАШИНГТОН. Ироқ қўшинларини Қувайтдан чиқариб юбориш мақсадида белгиланган вақтда қуруқликда ҳужум бошланиши мумкин, деди сешанба куни Пентагонда журналистлар билан учрашувда генерал-лейтенант Томас Келли.

У ҳозир Форс кўрфази атрофида 527 мингдан кўпроқ Америка солдатлари тўпланганлигини айтди. Иттифоқчиларнинг 205 минг кишидан кўпроқ кучлари америкаликлар билан ҳамжиҳатликда жанговар ҳаракатларни амалга оширадилар.

● ПЕКИН. Ўтган йили Тайванининг Совет Иттифоқи билан савдо-сотиғи ҳажми 120 миллион долларни ташкил этди ва 1989 йилга нисбатан икки баравар кўпайди. Мутахассислар бу йил ана шу кўрсаткич яна икки баравар ўсишини олдиндан айтишмоқда.

ХХР ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи савдо вазирлигининг маълумотларига қараганда, Совет Иттифоқи савдо-сотиқ соҳасида Хитойнинг тўртинчи ўринда турувчи энг катта шеригидир. Тайван эса олтинчи ўринда туради.

● КОПЕНГАГЕН. «Ҳозирги вақтда Болтиқбўйидаги уч жумҳуриятда Дания элчихоналарини таъсис этиш имконияти йўқ. Бу биз амалга оширишимиз мумкин бўлмаган бирдан-бир ишдир», — деди Дания бош вазири Поуль Шлютер Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидан сўнг.

«Айни вақтда ҳукумат Болтиқбўйи жумҳуриятларини бошқа ҳар қандай соҳада қўллаб-қувватлашга тайёр», —деди у. Дания ҳукуматининг бошлиғи шу муносабат билан Исландия парламентининг Литва, Латвия ва Эстония билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарорини «беҳуда намойиш» деб атади.

(ТАСС).

• Ўзбекистон ССР Давлат ҳисоб комитети хабар қилади:

Ўзбекистон ССР саноатининг 1991 йил январь ойидаги иши якунлари тўғрисида

1991 йилнинг январида машинасозлик ва деҳқончилик саноат комплекслари корхоналарида, бир қанча вазирликларга қарашли корхоналарда, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларининг корхоналарида 1990 йилнинг январига нисбатан маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг ўсишига эришилди.

Ўтган йилнинг январига нисбатан кўмир ва нефть қазиб чиқариш, дизеллар, марказдан қочувчи насослар, компрессорлар, лифтлар, пахта териш машиналари, холодильниклар, капролактам, ўқувчилар дафтарлари, гилам ва гилам поёндоз, гўшт, сариёғ, консервалар, қандолат маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўпайди.

Шу билан бир вақтда шошилинч ҳисоботда эътиборга олинадиган саноат маҳсулотлари энг муҳим турларининг ҳар иккисидан бирини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг январига нисбатан камайди. Шундай маҳсулотлар орасида электр қуввати, экскаваторлар, тракторлар, минерал ўғитлар, кимёвий тола, қоғоз, цемент, қурилишбоп ғишт, шифер, пахта толаси, ип газлама, жун ва шойи газламалар, пайпоқлар, трикотаж буюмлар, колбаса маҳсулотлари, ёғи олинмаган сут маҳсулотлари, ёрма, алкоголсиз ичимликлар, минерал сувлар, папиросларва сигареталар бор, балиқ овлаш ҳам камайди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш камайганлиги оқибатида республикадаги ҳар учта ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонасидан бири ишлаб чиқариш ҳажмини жами 245,2 миллион сўмлик камайтириб юборди, бу республика саноати 1991 йил январида ишлаб чиқарган ҳажмнинг 6,5 фоизини ташкил этади.

Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, умуман республикада 1991 йилнинг январида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми 1990 йилнинг январига нисбатан 0,2 фоиз камайиб кетди (1990 йилнинг декабрида умуман маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 0,2 фоиз, 1990 йилнинг январида — 3,3 фоиз кўпайган эди). Ишлаб чиқариш ҳажми камайишининг сабаблари орасида хом ашё ва материаллар етишмаслигини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур.

Республика корхоналарига шартномавий мажбуриятларда кўзда тутилган 75,8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Шартнома тузган корхоналарнинг ҳар саккизтасидан бири истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини уддалай олмади (1990 йилнинг январида ҳар тўққиз корхонадан бири бундай мажбуриятни уддаламаган эди).

Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот ҳажмининг энг кўп қисми металлургия, кимё-ўрмон ва деҳқончилик-саноат комплекслари, Андижон, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри корхоналарига тўғри келади.

1991 йилда маҳсулот етказиб бериш учун шартнома тузиш кампаниясининг ниҳоясига етмаганлиги корхоналар меъёрда ишлашини қийинлаштирмоқда. Шу йилнинг 28 январигача бўлган маълумотларга кўра, 1991 йил биринчи кварталга шартномаларни узайтиришда СССР Оғир машинасозлик вазирлиги (1990 йил 1 кварталида тузилган шартномалар ҳажмининг 53,1 фоизи), Давлат «Агрохим» агрохимия уюшмаси (64,4 фоиз), СССР Металлургия вазирлиги (72,2 фоиз), Ўзбекистон Қурилишёғочсозлик саноати бош бошқармаси (59,7 фоиз), Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги (39,2 фоиз), Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги (35,0 фоиз) корхоналарида ва бошқа корхоналарда оғир аҳвол юз берди.

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саноатининг иши тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилади (фоиз):

	Шартномавий мажбуриятлар бўйича етказиб берилмаган маҳсулот (иш, хизмат), миллион сўм	Шартнома тузган умумий корхоналар сонида шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар улуши	Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг амалдаги суръатлари
Ўзбекистон ССР	75,8	13	—0,2
Шу жумладан:			
Қорақалпоғистон АССР	0,7	13	—0,3
Андижон вилояти	13,5	18	1,2
Бухоро вилояти	5,8	7	4,9
Жиззах вилояти	1,1	16	—10,3
Қашқадарё вилояти	0,2	3	7,1
Наманган вилояти	0,9	11	0,2
Самарқанд вилояти	7,6	14	6,9
Сурхондарё вилояти	0,8	8	9,5
Сирдарё вилояти	0,03	3	—9,1
Тошкент вилояти	9,0	15	—5,9
Фарғона вилояти	17,0	16	—1,8
Хоразм вилояти	0,04	4	5,4
Тошкент шаҳри	19,0	14	—2,4

Халқ истеъмоли моллари ҳажми (мева-сабзавот маҳсулотлари ва тухум маҳсулотларининг бозор фондларини ҳисобга олган ҳолда вино-арақ маҳсулотлари ва пиводан ташқари) ўтган йилнинг январига нисбатан 31 миллион сўмлик ёки 3,1 фоиз кўпайди, бу эса 1991 йилга мўлжалланганидан анча кам. Шошилинч ҳисоботда ҳисобга олинадиган халқ истеъмоли моллари энг муҳим турларидан ҳар иккитасидан бирини ишлаб чиқариш 1990 йилнинг январига нисбатан камайди.

1991 йилнинг январида ўтган йилнинг январига нисбатан 5,8 миллион сўмлик енгил саноат моллари кўпроқ ишлаб чиқарилди. Бироқ аҳолини шундай моллар билан таъминлаш жуда қониқарсиз аҳволда, бу эса материал ресурсларини етказиб бериш юзасидан хўжалик шартномаларини тузиш ниҳоясига етказилмаганлиги натижасида корхоналар хом ашё ресурслари билан таъминланмаётганлиги, нарх белгилаш масалаларидаги чалкашликлар, ишчи кадрларнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

439,3 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу эса ўтган йилнинг январига нисбатан 12,1 миллион сўмлик ёки 2,8 фоиз кўп.

Шу билан бир вақтда ўтган йилнинг январь ойига нисбатан балиқ овлаш (22,6 фоиз ёки 0,4 минг тонна) камайди, колбаса маҳсулотлари (35,8 фоиз ёки 1,9 минг тонна), эритилган мол ёғи ва қўй ёғи (2,3 фоиз ёки 12 тонна), гўшт масаллиқлари (9 фоиз ёки 0,2 минг тонна), қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда (1,6 фоиз ёки 0,9 минг тонна), алкоголсиз ичимликлар (53,5 фоиз ёки 0,3 минг декалитр) ишлаб чиқариш камайди.

Аҳолини папиослар ва сигареталар билан таъминлаш ҳамон қониқарсиз аҳволда. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўтган йилнинг январь ойига нисбатан 11,3 фоиз ёки 49 миллион дона камайди. Бу маҳсулотларга, шунингдек бошқа кўпгина маҳсулотларга талаб тўла-тўкис қондирилмаяпти.

1991 йил январида халқ хўжалиги комплекслари фаолиятининг кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган (фоиз):

	Шартномавий мажбуриятлар бўйича етказиб берилмаган маҳсулот (иш, хизмат), миллион сўм	Шартнома тузган умумий корхоналар сонида шартнома мажбуриятларини бажармаган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар улуши	Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг амалдаги суръатлари
Ёқилғи-энергетика комплекси	0,6	25	—2,0
Металлургия комплекси	4,4	38	—12,8
Машинасозлик комплекси	3,3	15	7,3
Кимё-ўрмон комплекси	22,4	20	—8,3
Деҳқончилик-саноат комплекси	4,9	10	2,6
Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги	19,1	21	0,4
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат вазирлиги	1,3	14	10,0
Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги	1,9	44	—2,2
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги	2,9	33	—1,9

Ёқилғи-энергетика комплексида нефть қазиб чиқариш 9,3 фоиз, кўмир қазиб чиқариш 9,4 фоиз кўпайди.

Комплексга қарашли ҳар уч корхонадан бири 1990 йилнинг январига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳаммаси бўлиб 10,3 миллион сўм камайтирди. Шу жумладан «Газ саноати» концернига қарашли Фарғона газ аппаратлари заводи 0,6 миллион сўмлик камайтирди.

«Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятларини бажармади (610 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилмади).

Металлургия комплекси корхоналарида саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажми 12,8 фоиз камайди. Ҳар иккита ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонадан бири маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайтириб юборди, натижада ишлаб чиқариш ҳажми жами 24,3 миллион сўмлик камайди, улар орасида Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи бор.

Истеъмолчиларга шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш соҳасидаги қарзларнинг анчагина қисми (4 миллион сўмлик) Ўзбекистон металлургия заводи улушига тўғри келади. Бу завод пўлат ишлаб чиқаришни 1990 йил январига нисбатан 24,9 минг тонна ва прокат ишлаб чиқаришни 35,8 минг тонна камайтириб юборди.

Кимё-ўрмон комплексида истеъмолчиларни нефть кимёси маҳсулотлари, кимёвий материаллар ва буюмлар билан таъминлашдаги нуқсонлар тугатилмаган.

Умуман комплекс бўйича истеъмолчилардан қарзнинг 86 фоизи «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Самарқанд кимё заводи улушига тўғри келади.

Тошкент лак-бўёқ заводи хом ашё фондлари билан таъминланмаганлиги оқибатида шартномавий мажбуриятларни 0,5 миллион сўмлик кам бажарди.

Комплексга қарашли ҳар икки ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонанинг биттаси ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборди, натижада ишлаб чиқариш ҳажми жами 35,0 миллион сўмлик камайди. Шу жумладан, СССР Нефть кимёси саноати вазирлигига қарашли 11 та корхонадан 8 таси ишлаб чиқариш ҳажмини 15,7 миллион сўмлик, «Агрохим» уюшмасига қарашли корхоналарнинг ярми 17,5 миллион сўмлик камайтирди.

1990 йилнинг январь ойига нисбатан олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш 36,5 минг тонна ёки 17,1 фоиз, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 19 минг тонна ёки 11,2 фоиз, пластик массаларва синтетик смола ишлаб чиқариш 1,9 минг тонна ёки 13,5 фоиз, кимёвий толалар ишлаб чиқариш 0,7 минг тонна ёки 15,5 фоиз, термопластлардан қувурлар ва уларнинг деталларини ишлаб чиқариш 0,5 минг тонна ёки 28,9 фоиз, қоғоз ишлаб чиқариш 0,2 минг тонна ёки 9,2 фоиз камайди.

Машинасозлик комплекси корхоналарида дизеллар, марказдан қочувчи насослар, компрессорлар, йигирув машиналари, электр кўприк кранлари, лифтлар, пахта териш машиналари, автомобиль прицеплари ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш кўпайди.

Ўтган йилнинг январига нисбатан электр моторлар, кучланиш трансформаторлари, экскаваторлар, трактор прицеплари, тракторлар, трактор культиваторлари ишлаб чиқариш камайди.

Бир қанча корхоналарда январда иш бир маромда бормади. Масалан, Тошкент экскаватор заводида январнинг сўнгги тўрт кунида экскаватор ишлаб чиқариш январнинг 27 куни давомида кундалик ўртача ишлаб чиқаришдан 6 баравар юқори бўлди. Тошкент трактор заводида трактор ишлаб чиқариш 2,3 баравар, трактор прицеплари ишлаб чиқариш 3,1 баравар; Андижондаги «Электродвигатель» заводида электр моторлар ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайди.

Комплексга қарашли корхоналарнинг чорак қисми ўтган йилнинг январига нисбатан маҳсулот ҳажмини жами 3,3 миллион сўмлик шу жумладан СССР Оғир машинасозлик вазирлигига қарашли корхоналарнинг учдан бир қисми 1,9 миллион сўмлик («Андижангидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1,0 миллион сўмлик), СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги вазирлигига қарашли «Чирчиксельмаш» заводи 0,4 миллион сўмлик камайтириб юборди.

Комплексга қарашли 6 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона истеъмолчилар олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармади. Уларнинг орасида «Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Андижонкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси (ҳар бири 1,5 миллион сўмлик), Тошкент «Элбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси (0,1 миллион сўмлик) ва бошқалар бор.

Қурилиш индустрияси корхоналари ўтган йилнинг январь ойига нисбатан цемент, иморатбоп ғишт, йиғма темир-бетон, шифер, томга ёпиладиган қора қоғоз ва изол ишлаб чиқаришни камайтириб юборди.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати вазирлигига қарашли корхоналар январь ойида истеъмолчилардан 2,9 миллион сўмлик қарздор бўлиб қолдилар. Корхоналарнинг учдан бир қисми шартнома мажбуриятлари бажарилишини барбод қилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги корхоналарининг деярли ярми истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини бажармаяпти. Январь ойида умуман вазирлик бўйича 1,9 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди, етказиб берилган маҳсулот ҳажмининг ярмидан кўпроғи Фарғонадаги 4-ёғочни қайта ишлаш заводи ва «Ўзстройконструкция» ишлаб чиқариш бирлашмаси улушига тўғри келади.

• Тил ҳақидаги Қонун—амалда

БЕПАРВОЛИК «КАСАЛЛИГИ»

Маданиятли, ўз элини севган, миллатини қадрлаган инсон ўз тилига ҳурмат билан қарайди. Афсуски, ҳали ҳам айрим жойларда ўз тилига — она тилига беписандлик билан қарашга дуч келасиз. Ленин йўли район пахта тозалаш заводини олайлик. Корхона идорасига кираверишдаги залдаги ёзувлар давлат тилида эмас. «Автостоянка», «Окно народного контроля», «Доска почёта», «Доска соревнований». Иккинчи қаватга кўтарилгач, кабинетларга қуйидагилар ёзилган: «Секретарь парторганизации», «Приёмная».

Район алоқа бўлими идорасига кираверишда ёзилган сўзларнинг бирортаси ҳам она тилида эмас. Ваҳолонки, бу йирик ташкилотда ишлайдиган кишиларнинг тўқсон-тўқсон беш фоизи ўзбек тилида бемалол гапира олади ва ёза олади.

Яқинда бир киши куюнчаклик билан шундай деди:

— Замоннинг бир хил ишларига ҳайрон қоласан киши. «07» орқали коммутаторга қўнғироқ қилдим. У ердаги кишидан Охунбобоев номли давлат хўжалигини улашни сўрадим. Аммо, ўзбек тилидаги мурожаатга коммутаторчи шундай зардали жавоб бердики...

Ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисидаги қонунда уни амалга ошириш учун бир неча йил муддат белгилаб қўйилган. Мана шу қонун қабул қилинганига бир ярим йил бўлди. Шунча вақтда амалга оширишга киришилмаган қонун қачон ижро қилинади?

Тўғри, район ва хўжалик миқёсидаги йиғилишлар туб жой аҳоли тилида ўтказилмоқда. Бироқ, негадир райондаги корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда ҳамон иш юритишни ўзбек тилида олиб боришга киришилмаяпти. Агар аҳвол шу тариқа давом этаверса, бу хайрли иш ҳали-бери бошланмаслиги табиий. «Янгийўл» қишлоқ Кенгашидаги кўпгина ҳужжатларнинг бланкаси билан танишиб чиқдим. Деярли барчаси давлат тилида эмас. Бошқа районлардаги босмахоналарга ўзбекча бланка тайёрлатиш учун буюртма берилса бўлмайдими?

Райондаги бир қатор партия, совет, комсомол ташкилотлари бу масалага ҳамон томошабин бўлиб қолмоқдалар. «Янгийўл» қишлоқ Кенгаши Ленин номли совхоз раҳбарларига шу масала юзасидан хат юборган. Шу билан кифояланмаслик керак эди. Унинг ижросини вақти-вақти билан текшириб туриш лозим. Иложи бўлса, бу масалани қишлоқ Кенгаши сессияларида кўриш керак.

«Янгийўл» қишлоқ Кенгашида менга халқ депутатлари район Кенгашидан юборилган бир қарорни кўрсатишди. Қарор охирига Кенгашнинг собиқ раиси М. Исмоилованинг фамилияси қўйилган. Лекин, бу муҳим ҳужжат ҳам давлат тилида эмас. Унда район, жумладан, Ленин номли хўжалик ҳудудида яшовчи бир неча кишига «Қаҳрамон она» медали бериш тўғрисидаги фикр ифодаланган. Лекин, шуни ўзбекча ёзиш шу қадар қийинми?

Айрим жойларда ўзбекча шиор, панно, диаграммалар ёзишга киришилди. Аммо, бундай ёзувларда хато кўп.

— Негадир ўзбек тилига беписандлик билан қараш ҳоллари тугатилган эмас, — дейди халқ депутатлари Ленин йўли район Кенгаши раиси муовини Ҳ. Мардонов. — Баъзан ўтказиладиган ҳар хил мажлисларда қатнашаман. Залда ўтирганлар асосан туб жой аҳолиси вакиллари бўлса-да, аксарият ҳолларда турли йиғилишлар рус тилида олиб борилади. Айримлар эплаб гапирса кошки, русчани тўғри талаффуз қилолмаганини эшитиб кулгинг қистайди.

Она тили — муқаддас. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги халқимизнинг азалий орзуси ушалишида дастлабки қадам бўлганди. Уни ижро этишда ҳамон бепарволик «касаллиги» ҳуруж қилаётганлиги ҳар бир кишини ташвишлантирмоғи керак.

Ж. ХУШБОҚОВ.

«Ленин йўли» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари.

ИТТИФОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИ БАНКИДА

Ҳисобни билган саноғидан адашмас — СССР касаба уюшмалари банкининг ходимлари мазкур эски ақиданинг қай даражада долзарблигига ишонч ҳосил қилдилар. Бу банк қисқа муддат ичида мамлакатимизнинг энг йирик молия-кредит муассасалари қаторидан ўрин олди. Банкни таъсис этувчиларнинг Москвада бўлган йиғилишида шу ҳақда гапирилди.

Иттифоқ касаба уюшмалари банки, мазкур банк раиси Г. Летуновнинг сўзларига қараганда, ўтган йили 103 мижоз билан, асосан саноат корхоналари ва ташкилотлари билан жами бир ярим миллиард сўмликдан кўпроқ кредит шартномаларини тузди.

Кредитларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга, ижтимоий-маданий иншоотлар ва уй-жойлар қуриш билан боғлиқ ижтимоий дастурларни тузиш учун сарфланди. Қарзларнинг қарийб 10 фоизи тадбиркорлик ва хўжалик фаолиятининг юқори самарали шаклларини ривожлантиришга берилди. Банк маблағларнинг катта қисмини хайрия мақсадларига сарфлади — «Чернобиль» ҳамда «Жисмоний тарбия ва саломатлик» жамғармаларига берилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Иттифоқ касаба уюшмалари банки ўз фаолиятининг дастлабки босқичидаёқ тижоратчиларга йиллик даромаднинг 6 фоизи миқдорида фойда тўлаш имкониятига эга бўлди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу 1991 йилда камида ўн фоизга қадар тўлов тўлаш имконини беради.

(ТАСС мухбири).

Суратда: социалистик мусобақа пешқадамларидан Лолахон Аҳмедова, Гулнора Тожибоева, Феруза Раззоқова ва ҳисобчи Тожиддин Йўлдошевлар.

Т. ҒАФУРОВ олган сурат.

● АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Олтиниқўл районидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги сут-товар фермасининг чорвадорлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг бу йилги режаси мавжуд 123 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 300 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишдир.

ШАРТНОМА АСОСИДА

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқаришни бирбирига мувофиқлаштириш, шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш қандай йўлга қўйилган. Аввало шуни таъкидлаш керак, шартнома асосида мутахассис тайёрлаш учун барча қулайлик ва шароит яратилмоқда, касбга йўналтириш ишлари, ўқув жараёни, ишлаб чиқаришда амалий тажрибани ўташ, курс ва диплом ишларини бажариш, ўқитувчиларни малакасини оширишга юбориш, ўқув жараёнига етакчи мутахассисларни жалб этиш, ишлаб чиқаришда кафедра шохобчаларини тузиш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина Тошкент политехника олийгоҳи 32 та корхона билан шартнома тузди, у 1800 нафар мутахассис тайёрлаб бермоқчи. Тошкент автомобиль ва йўллар олийгоҳи 2338 нафар мутахассисни шартнома асосида ўқитяпти. 1990—91 ўқув йилида қабул қилинган 505 нафар ёш, яъни олийгоҳ талабаларининг 40 фоизи ўқув юртлар билан шартнома тузишган.

Шартнома олийгоҳга нима беряпти? Буни биргина мисолдан кўриш мумкин. Шартнома асосида тушган маблағлар олийгоҳларнинг компьютер жиҳозлари, турли техника асбоблари, лингафон синфлари ва бошқа жиҳозларни харид қилиш имкониятини беряпти.

Фарғона политехника олийгоҳи ҳам шартнома асосида йирик корхоналар, муассасалар, идоралар билан ҳамкорликда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплексларини тузиш имкониятига эга бўлди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳида йирик тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари базасида эса 5 та ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси ишлаб турибди. Олийгоҳ Тошкент тўқимачилик комбинати билан биргаликда «Жамоат илмий ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси» ташкил этди. Бирлашма шу кунларда хўжалик шартномаси ва ҳамкорлик асосида иш олиб бормоқда. Унинг асосий бўлинмаларини ишлаб чиқаришдаги етакчи кафедралар шохобчалари ташкил қилади. Сўнгги йилларда баъзи мутахассисликлар бўйича шартнома 2000 йилгача тузилмоқда. «Фойдали қазилмалар ишлаб чиқариш», «Кимё технологияси», «Қурилиш ва меъморчилик», «Автомобиль ва тракторлар» мутахассисликлари бўйича тузилган шартномалар анча ошди. Тошкент автомобиль ва йўллар олийгоҳида буюртмачи ҳисобидан 132 минг сўмга эга бўлган илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш, олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришдаги кафедра шохобчаларидан самарали фойдаланиш муҳим омилдир. Йирик корхоналар базасида ташкил этилган кафедра шохобчалари ишлаб чиқариш ҳисобига ўқув жараёнини ташкил қилиш учун қўшимча майдонга эга бўлаётир. Бу лаборатория амалий машғулотларда ўз самарасини беряпти. Ёш мутахассисларнинг малакасини оширишда катта таянч бўлаётир.

Айрим олийгоҳлар талабаларнинг диплом ва курс ишларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга, бўлғуси мутахассисларнинг ишлаб чиқариш муҳитига кўникишига ва уларнинг ишга тайинланишларига ёрдам бериши шубҳасиздир.

Тошкент автомобиль ва йўллар, политехника олийгоҳларида талабаларнинг кўпчилиги ана шу ишлаб чиқаришдаги кафедра шохобчаларида диплом ва курс ишларини олиб бораётирлар. Фарғона политехника олийгоҳида корхоналар илтимосига кўра, кафедра шохобчаларида шахсий режа билан билим олаётган талабалар сафи кўпайиб бораётир.

Олийгоҳ билан корхона ўртасидаги мутахассис тайёрлаш шартномасини ҳар қанча қўллаб-қувватласа арзийди.

П. МИРЗАЕВ.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

• Рўзнома муҳарририятига хат

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Менинг бошимга тушган савдолар илойим ҳеч бандасининг бошига тушмасин. Тағинам ғам-андуҳни кўраверib, кўз оқиб тушмас, эшитаверib қулоқ том битиб қолмас экан. 1942 йилнинг бошида мажбурий ҳарбий хизматга чақирилганимда Ватанимиз бўйлаб душман билан жанглар шиддатли тус олган эди. Туркистон ва Оренбургда қисқа муддатли ҳарбий машқлардан кейин тўғри фронтга — Белоруссиянинг Бабенков деган жойига йўл олдик. Бу ерда аҳвол ниҳоятда оғир эди. 397-ўқчи пиёдалар полки қуршовда қолди. Уни ёриб ўтишга ҳам, чекинишга ҳам иложимиз йўқ эди. Икки кундан сўнг душман еру осмонни титратиб, ҳужумга ўтди. Ўқлар ёмғиридан бошимизни кўтараолмадик. Ўзимизни ҳимоя қилаётган ҳандақлар рўпарасида яхши қуролланган душман автоматларини ўқталиб турарди,.. Шу кундан бошланган асирлик уч йилу тўққиз кун давом этди. Дастлаб душман қўлига ўтган Донбассдаги ҳарбий асирлар лагерида бўлдик. Сўнгра Киев ва Одессада уч ой турганимиздан кейин Германияга олиб кетишди.

Ўша вақтларни ҳаётимдаги энг қора кунлар деб айтсам тўғри бўлади. Чунки «энди Ватанимни бошқа кўролмайман, жисмим душман зоратчилар асирларни фақат номерлари билан чақиришарди. Менинг кийимимдаги 5213-номерни бир умр унутолмайман.

Лекин гапнинг очиғини айтганда, ҳамма халқларда яхши-ёмон одамлар бўлганидек душман аскарлари орасида ҳам бизга раҳми келадиганлари топилиб турарди. Улар баъзан бошлиқларидан яшириб нон, пишлоқ, сигаретлар билан бизни сийлашарди. Ва, ниҳоят, Ғалаба куни ҳам етиб келди. 45-йилнинг 20-майида асирлар айирбошланди. Пайна шаҳридаги металлургия заводида бирга ишлашган ватандошларимдан 60 чоғли киши ўз юртларига қайтишга рози бўлишди. Қолганлар «Ватанга қайтсак барибир отиб ташлашади» деб американлик аскарлар измида қолдилар. Бироқ Ватан тупроғига қадам қўйгач ҳам асирликда бўлганимизни бошлиқлар унутишмади.

Икки йилдан знёд Уралда темир йўл қурилишида, цемент заводида ишладик. Она-юртимга эсон-омон қайтгач ҳам ўша тамға олиб ташланмади. Менга ғишт ишлаб чиқариладиган хумдонга йўлланма беришди. Бу ердаги шароит ҳам аввалдагидан деярли фарқ қилмасди. Икки сменада қолиб ишлашга тўғри келарди. Кейинчалик «Узбексельмаш» заводида ишлаб, қарилик пенсиясига чиқдим. Аммо қайта қуриш даврига қирқ йилдан ошган бўлса ҳам «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» гувоҳномасини ололмаган эдим. Бу — қирқ йилдан ошиқроқ вақт давомида уруш қатнашчисининг уй-жой, коммунал хизматлар, электр энергия, газ ва бошқа қулайликлардан фойдаланишдаги имтиёзлардан маҳрум бўлиш, деган гап эди.

Минг шукурлар бўлсинки, қайта қуриш шамоли бизларни ҳам четда қолдирмади. Киров ноҳияси ҳарбий комиссарлигидагилар Белоруссияга, хизмат қилган жойимга хат ёзиб, ҳақиқатни аниқлашди. Фақат қайта қуриш даврига қора кунларимни адолат ёғдусида ёритиб берди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси деган гувоҳномани олдим. Пенсиям 91 сўмдан 138 сўмга етказилди. Жумҳурият Олий Кенгаши Президиуми томонидан берилган Фахрий Ёрлиқ, урушдаги хизматларимни эслатиб турадиган тўртта медаль ёруғ кунларимдан далолат беради.

Мен фақат қайта қуриш шарофати билангина рўшнликка чиқдим. Қани энди, қирчиллама пайтим бўлсаю мана шу кунлар шукронасига бор кучимни бағишласам, дейман.

Йўлдош МИРЗАЕВ,

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси. Тошкент шаҳри.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси

«БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши режа ва бюджет-молия масалалари комитетининг раиси Э. Ж. БОҚИБОЕВнинг маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси жумҳуриятимиз Олий Кенгаши тарихида биринчи марта кўриляпти, чунки бундай масалалар илгари фақат марказдагина муҳокама этиларди.

Бу тадбирни жумҳуриятимизнинг мустақиллигини амалда ифода топишидан далолат берувчи белгилардан бири деб биламиз.

Сизларга маълумки, 1990 йил 11 декабрда СССР Олий Совети давлат банки ва банклар фаолияти тўғрисида Иттифоқ қонунларини қабул қилган эди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, 1988 йилнинг бошида амалга оширилган банкларни қайта қуриш тадбирлари кўзда тутилган асосий мақсадга эришишга олиб келмади, чунки пулнинг қадрсизланиш жараёнини жиловлаш, хўжаликларга банк хизмати кўрсатиш борасида ўзаро ҳамкорлик вазифаларини, пул, кредит ва бошқа банкнинг воситалари орқали халқ хўжалигининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига етарли таъсир кўрсатиш каби қатор режалар тўла амалга ошмай қолди. Илгариги СССР Давлат банки ва СССР Қурилиш банкидан иборат иккита банк монополияси ўрнига бешта банк ташкил этилди, яъни Давлат банки, Деҳқончилик-саноат банки, Саноат-қурилиш банки, Уй-жой-социал банки ва Жамғарма банки.

Юқорида қайд қилинган банклар фаолиятидаги хато ва камчиликлар жумҳуриятимизда ҳам мавжуд бўлганди. Шу сабабдан Ўзбекистон ССР Давлат ҳокимияти олий идорасининг топшириқларига биноан сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган лойиҳа ишлаб чиқилди.

Қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керакки, лойиҳада баён этилган айрим ҳолатлар банклар фаолиятида биринчи марта кўзда тутилянти, яъни:

Биринчи — лойиҳанинг III бўлим 9-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон ССР Давлат банки жумҳурият Олий Кенгаши олдида ҳисобдор бўлиб, бошқа бошқарувчи ва ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари олдида мустақилдир. Жумҳурият Давлат банкининг ҳайъат раиси Президент тавсияси билан Олий Кенгаш томонидан тайинланади.

Иккинчи — (II бўлим, 1-модда бўйича) Ўзбекистон Уй-жой ижтимоий банки қошида тузилган «Ўзбекистон» акционер-тижорат банки тугатилади. Шаҳарлардаги унинг бўлимлари саноат-қурилиш банки тузумига, қишлоқ ноҳияларидаги бўлимлари эса Деҳқончилик-саноат банкига қўшиб юборилади.

Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки ва Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банки, ташқи иқтисодий алоқа Ўзбекистон тижорат банклари ҳамма бўлимлари билан марказ ихтиёридан ажралиб чиқади, жумҳурият ихтиёрига ўтиб, акционер-тижорат банкларига айланади. Ўзбекистон Жамғарма банки жумҳурият Давлат-тижорат банкига айлантирилади. Ўзбекистон ССР Давлат банки ва тижорат банклари Иттифоқ банклари билан ўзаро муносабатларини шартнома асосида ташкил этадилар.

Учинчи — Қонун қабул қилинганидан сўнг банк очиш осонлашади ва бу масала жумҳуриятнинг ўзидагина ҳал бўлади. Агар зарур деб топилса, мазкур Қонун IV бўлимининг 19-моддасига асосан жумҳурият, регионал ва бошқа дастурларни молия билан таъминлаш учун махсус тижорат банклари тузилиши мумкин.

Тўртинчи — бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим омилларидан бири банкларни тижоратлаштиришдир. Шу муносабат билан янги ташкил топаётган тижорат банкларини очишга рухсат этиш, уларни рўйхатга олиш вазифаси жумҳурият Давлат банкига юклатилади. Демак, мазкур Қонун кучга кирган кундан бошлаб жумҳуриятдаги банклар тузуми бошқаруви фақатгина икки поғонали бўлади, яъни Ўзбекистон ССР Давлат банки ва мустақил тижорат банклари. Аввалги ўтакетган марказлаштирилган район банкларидан тортиб Иттифоқ — Москвагача бўлган банкларни кўп поғонали бошқариш тузумидан батамом воз кечишга тўғри келди.

Бешинчи — III бўлимнинг 16 ва 17-моддаларига асосан жумҳурият Давлат банкига хорижий таъсис этувчи айрим органларнинг таклифномаларини ўрганиб чиқиб Ўзбекистон ҳудудида чет эл билан биргаликда тижорат банкларини тузиш учун лицензия (рухсатнома) бериш ҳуқуқи берилади ва ундан ташқари чет элларда жумҳурият банкларининг бўлимларини ёки бошқа кредит муассасалари очиш ҳуқуқи ҳам шу давлат банкига берилади.

Жумҳурият Давлат банки чет элларнинг валюталари билан операцияларни амалга ошириш масаласини ҳал қилишни ўз зиммасига олади. У ўлкамизда фаолият кўрсатиб турган барча банклар учун чет элдан жалб қилинаётган кредит миқдорини чегаралаб беради ва ҳукуматнинг пул-кредит сиёсатига асосан фоиз ставкаларининг даражасини аниқлаб тижорат банкларига қўлланма бериб туради.

Олтинчи — банклар ўз фаолиятида аввалдагидан фарқли ўлароқ «СССР Давлат банки», «Банклар ва банк фаолияти» ҳақидаги Иттифоқ қонунларига амал қилган ҳолда яна мазкур Қонунга ва жумҳурият давлат ҳокимияти олий идорасининг қарорларига амал қиладилар.

Еттинчи — жумҳурият Давлат банки ўзининг иш фаолиятида тижорат банкларининг ишлаши учун шарт-шароитлар яратиб беради ва банклар ўртасидаги соғлом рақобат ва ҳалоллик асосларини жорий этади. Ўзбекистон жумҳурият Давлат банки тижорат банкларининг кундалик фаолиятига аралашмайди.

Булардан ташқари Қонун лойиҳасида қайд қилинганидек, жумҳурият ҳудудида тижорат банклари банк операцияларини амалга ошириш ва қарор қабул қилиш вақтида давлат ҳокимияти ва бошқармалари уларнинг ишига аралашмайдилар. Давлат ҳокимияти ва бошқарма ходимларининг банклар бошқармаси органларида қўшма лавозим эгаллашлари тақиқланади.

Саккизинчи — кредит ресурсларини жумҳуриятдаги ҳар бир ихтисослаштирилган банк томонидан алоҳида, тарқоқ равишда, марказдан сотиб олиб, ўзининг тармоқларига тақсимлаб фойдаланиш қоидаларини йўқ қилинади ва бу чалкашликлардан келиб чиқаётган муаммоларга, банклараро тортишмаларга чек қўйилади. Энди кредит ресурслари фақат жумҳурият давлат банки орқали ташкил бўлиб, уларни ана шу банкнинг вилоятдаги бошқармалари орқали шаҳар ва районлардаги тижорат банк бўлимларига фойдаланиш учун оператив етказилиб берилади ва ортиқ ёки кам қисмини назорат қилиб, ўзгартириб турилади.

Тўққизинчи — лойиҳанинг II бўлим 14-моддасида айтилишича муомаладаги пул белгилари ўта қадрсизланиб, харид кучи заифлашаётган жараёнда жумҳурият давлат банки тижорат банклари орқали жойлаштираётган кредитларнинг миқдорини камайтириш, қимматга эга бўлган қоғозларни сотиш ҳамда давлат банкининг ҳисобида турадиган тижорат банкларининг мажбурий ресурслар нормасини кўпайтириш каби бир қатор иқтисодий йўллар билан жиловлаб туради.

Ўнинчи — ушбу Қонун қабул қилинганидан кейин агар шу ставкалар пул қадрсизланги сабаби билан чегараланиб қўйилмаган бўлса, жумҳуриятдаги банклар кредитларнинг фоиз ставкалари миқдорини ўзлари мустақил тайинлайдилар. Ҳар йили Ўзбекистон ССРнинг навбатдаги йиллик бюджетини тасдиқлаш чоғида Ўзбекистон ССР Давлат банкининг тақдимига биноан банклар томонидан кредитдан фойдаланганлик учун мижозлардан ундириладиган фоиз ставкаларнинг энг кўп миқдорлари тасдиқланади (Иттифоқ давлат банки томонидан ўрнатилган миқдор доирасида). Фоиз ставкаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш Ўзбекистон ССР Давлат банки зиммасига юкланади.

Лойиҳада банклар олдига қўйилган асосий вазифалар қайд қилинган, жумладан жумҳурият Давлат банки;

— пул муомаласи, кредит бериш, маблағ билан таъминлаш, ҳисоб-китоб ишлари ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳаларида жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллиги стратегиясини амалга ошириш, ягона ҳисоб-китоб, ссуда операцияларини амалга ошириш қоидаларини ўрнатиш;

— барча банклар ва кредит муассасалари пул-кредит операцияларига доир қонунлар ва қоидаларга риоя этишлари устидан назорат қилиш;

— барқарор пул муомаласини ва Ўзбекистон ҳудудида муомалада бўлган пулнинг харид қобилиятини сақлаш;

— жумҳурият ҳукумати билан келишилган ҳолда давлат қарзи доирасида хизмат кўрсатиш ва бошқа вазифаларни бажаради.

Тижорат банклари мазкур Қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосларида ҳуқуқий ва хусусий шахсларга кредит, ҳисоб-китоб ва ўзгача банк хизматларини кўрсатади.

Жумҳурият банки таркибига қуйидагилар киради:

— Ўзбекистон ССР Давлат банки ва унинг қарамоғидаги муассасалар;

ихтисослашган давлат банклари — «Ўзбекистон Саноат ва қурилиш банки» ва «Ўзбекистон Деҳқончилик ва саноат банки» негизида тузилган жумҳурият акционерлик-тижорат банклари;

— Ўзбекистон ташқи алоқа иқтисодий тижорат банки;

— Ўзбекистон меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш банки;

— акционерлик ва пай асосида тузилган тижорат банклари.

Булардан ташқари, тижорат банкларининг фаолияти, улар учун Давлат банки томонидан иқтисодий нормативлар белгилаб берилиши ва уларнинг фаолияти устидан назорат қилиш орқали бошқарилади. Ўзбекистон ССР банкларига бошқа жумҳуриятларда кредит муассасаларини, банк бўлимларини очиш ҳуқуқи ва яна чет эл банкларининг бўлимларини Ўзбекистон ҳудудида очиш ҳуқуқлари берилади.

Жумҳурият ҳудудида ҳозирги шароитда миллий пул белгисини жорий этиш учун иқтисодий шарт-шароит йўл қўймайди. Шунинг учун бизда пул бирлиги Иттифоқ бўйича расмий равишда муомалада юрган бир сўм ҳисобланади ва у жумҳурият ҳудудида тўлов қобилиятига эга бўлган ягона восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Давлат банкига нақд пулни муомалага чиқариш, муомаладан қайтиб олиш мутлақо ҳуқуқи берилади ва унга муомаладаги пул массасининг миқдори ва структурасини йўналтириб туриш вазифалари топширилади. Бу вазифаларни бошқариш йўлини юқорида айтиб ўтдим.

Энди кредит муносабатларига келганда шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида банк кредитлари яхши ишлаётган хўжаликларни рағбатлантириш ва зарар кўриб ишлаётганларга иқтисодий тазйиқ ўтказиш йўли билан давлатнинг кредит сиёсатини амалга оширишда хизмат қилади.

Ушбу ҳолатда, бизнинг фикримизча, энг аввало товар ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва иқтисодий рағбатлантириш чоралари кўрилмоғи зарур. Бу борада истеъмол бозорининг янги участкаларини ташкил қилишда банк кредитларини актив жалб қилиш керак бўлади. Хўжалик юргизишнинг иқтисодий усулларига ўтиш ва товар-пул муносабатларини актив ишга солишда банк системасининг ролини яна бир мунча ошириш керак бўлади.

Бундан ташқари, банк муассасаларининг иш услубларини, мазмуни, ишни ташкил этишни тубдан ўзгартириш керак бўлади, яъни хўжаликларнинг фаолиятини майда-чуйдалар билан чеклаб қўйишдан воз кечиш ва уларни кўпроқ рағбатлантириш, ўзаро ҳамкорлик муносабатларни ривожлантириш йўллари билан хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш зарур бўлади.

Халқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ ва унга хизмат қилувчи банклар, асосан тижорат банклари бўлар экан, улар давлат, ширкат, акционерлик, улушбай негизида тузилиб, мазкур қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш шартнома орқали ҳуқуқий ва хусусий шахсларга ҳар хил хизматлар кўрсатишлари кўзда тутилган. Улар ўзининг тегишли сармояси ва унинг шаклланиш усули, амалга оширадиган операция турлари, қайси ҳудуддаги иш фаолияти ва тармоқ кўриниши бўйича ажралиб турадилар.

Юқорида таъкидланган банклар фаолияти давлат назоратидан четда қолмайди, албатта.

Мазкур Қонун лойиҳасининг 17—18-моддаларида тижорат банкларининг вазифаларини, қилаётган ишларини, умуман фаолиятини назорат қилиб, тартибга солиб туриш ишлари Ўзбекистон республика Давлат банки зиммасига юкланган. Бу вазифаларни бажариш йўлида у тижорат банклари бажараётган операцияларини тафтиш хизматидан фойдаланиб ёки тафтиш этиш ташкилоти ёрдамида ялписига ёки оралатиб текшириш ўтказиши мумкин.

Агар текшириш чоғида тижорат банкининг ишида Қонунга зид бўлган хатти-ҳаракатлар аниқланадиган бўлса, Давлат банки томонидан берилган лицензия (рухсатнома) қайтариб олиниши ва бошқа иқтисодий чоралар, ҳатто банкнинг тугатилишигача қўлланиши мумкин.

Қонун лойиҳасида банк сирини сақлаш бўйича алоҳида модда ажратилган. Бунда таъкидланадики, тижорат банклари ўз мижозлари ва гумашталарининг ҳисоб варақалари ҳамда омонатлари бўйича операцияларнинг сирини сақлаш кафолатини ўз зиммаларига оладилар. Банкнинг хизматчилари ўзларининг иш жараёнидаги мижозлар ва шахсларга доир иқтисодий аҳвол ва тижорат сирларига доир бўлган маълумотларни сир сақлашлари шарт. Ушбу маълумотлар фақат ҳуқуқий ва хусусий шахсларнинг ўзларига, Қонунда назарда тутилган ҳолларда, судларга, тергов органларига, ҳакамлик, тафтиш идораларига, солиқ солиш масалалари билан шуғулланувчи молия идораларига берилиши мумкин.

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Банк муассасаларининг аҳолига бевосита қандай хизмат кўрсатиши тўғрисида бироз тўхталиб ўтишни лозим, деб биламан.

Маълумки, охирги вақтларда Иттифоқ ҳукуматининг айрим қарорларига биноан аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари учун кредит бериш вазифаси жамғарма банкининг муассасаларига юклатилган. Булар томондан меҳнаткашларга уй-жой қурилиши учун, уларни ремонт қилиш, газлаштириш, ёшларга уй жиҳозлари сотиб олиш, дала ҳовлиси қурилиши каби бир қатор мақсадларга кредитлар берилади, республикамиз бўйича бундай кредитларнинг ҳажми ўтган 1990 йили 730 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу рақам ўтган 1989 йилга нисбатан 3,5 баравар кўпдир.

Республикамиз Президенти Фармонлари билан кейинги икки йил ичида қишлоқ аҳолисига қўшимча томорқа ерлари ажратиб бериш муносабати билан уй-жой қурилишига олинадиган кредитга бўлган эҳтиёж бирмунча ошиб кетди. Бу муносабат билан банк муассасалари олдига ушбу эҳтиёжни қондириш каби катта вазифа юклатилади.

Лекин, жамғарма банкларининг асосий вазифаси аҳолининг омонат пулларини қабул қилиш, уларни сақлашни таъминлаш ва зарур бўлган тақдирда тўхтовсиз ўз вақтида қайтариб бериш, қимматбаҳо қоғозларни — облигациялар, сертификатлар, аккредитивлар, лотерея билетлари ва бошқаларни сотиш ҳамда улардан ташқари уй-жой-коммунал хизмати тўловларини қабул қилиш каби ҳар хил хизматлар кўрсатади.

Жамғарма банкида аҳоли омонатларининг сақланиши ва ўз вақтида қайтарилиши бўйича давлат кафолатини Ўзбекистон Давлат банки тимсолида кўрилади.

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Мен сизларга қисқача қилиб мазкур Қонун лойиҳаси ҳақида ахборот бердим. Агар шу лойиҳада айрим хато ва камчиликларга йўл қўйган бўлсак ва уларни тугатишга тўғри маслаҳатлар берилса, ёки қўшималар киритилса, жуда миннатдор бўлар эдик.

Ишонаманки, ушбу Қонун тасдиқланиб, кучга киргандан кейин республикамизнинг келгуси равнақи учун хизмат қилади. Олдиндан сизларга кўп минглик банк ходимлари номидан сиҳат-саломатлик, бу машаққатли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо қўмитаси раисининг ўринбосари О. МАҲМУДОВ маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо қўмитаси «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасининг умумий моҳияти ҳамда унинг мазмуни тўғрисида ахборот беришни менга топширди.

Кўриб чиқилаётган Қонун лойиҳаси — Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталари иш олиб бораётган муҳим Қонун ҳужжатларидан биридир.

Бизнинг назаримизда, Қонуннинг вазифаси энг муҳими товар ишлаб чиқарувчиларнинг тараққий этиш йўлида ва фаолият кўрсатишига ғов бўладиган ҳамма нарсани бартараф этишдан иборатдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида халқнинг фаровонлиги, жумҳуриятнинг бойлиги ҳам асосан ана шу товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлади.

Ана шу мақсадларда хўжалик соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор қўйилган бўлмоғи лозим. Яқинда «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни қабул қилиниб, ана шундай пойдеворнинг асоси яратилди. Биз қараб чиқаётган лойиҳа — бошланган ишнинг узвий давоми, шу мақсад сари ташланган яна бир қадамдир.

«Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси олимлар, хўжалик раҳбарлари, партия, совет, режа-иқтисод идоралари ходимларининг кенг ва фаол иштирокида, меҳнат жамоаларининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда тайёрланди. Қонуннинг муқобил кўринишлари ҳам тақдим этилди. Улар ҳам қараб чиқилди.

Ўртоқлар! «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни корхоналарнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилайди. У мулкчиликнинг кўринишидан қатъи назар, барча турдаги корхоналарнинг хўжалик фаолияти учун ҳуқуқий асослар яратади.

Қонун корхонани хўжалик жиҳатдан тўла мустақил деб эълон қилар экан, бунинг учун тегишли ваколат ва имкониятлар беради. Шунга кўра корхона қонунда тақиқланмаган бўлса, исталган хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлиги белгиланади. Қонунга кўра ишлаб чиқаришдан мақсад — фойда олишдир. Айни пайтнинг ўзида, деб таъкидланади Қонунда, бунинг учун фақат жамоатчиликнинг турли-туман маҳсулотларга, ишларга, хизматларга, умуман жамиятга зарур нарсаларга бўлган эҳтиёжини қондириш йўли билан эришиш мумкин.

Корхоналарнинг хўжалик ва ҳуқуқий мустақиллиги мулкдорнинг ҳуқуқларини кенгайтиришни назарда тутиши тушунарли. Илгари қабул қилинган «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ ушбу Қонуннинг лойиҳасига мулкдорнинг ўзига қарашли мулкга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдаги мутлақ ҳуқуқларини белгиловчи қоидалар киритилган. Мулкдор корхонани мустақил бошқаради. Агар хоҳиши бўлса, у бу ҳуқуқни ўз ихтиёрига кўра бошқа кишига бериши мумкин. Мулкдор ўзига қарашли мулкни нима қилса, қилаверади, лекин қонунга зид тарзда эмас. Давлат мулкдорнинг молмулкини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Мулкдорнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири — корхона раҳбарини ёллаш ёки тайинлашдан иборатдир. Қонун лойиҳаси корхона раҳбарига муҳим ваколатларни берган ҳолда унинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги масалани кўп жиҳатдан янгичасига ҳал этади. Масалан, раҳбар корхона фаолиятига оид барча масалаларни ҳал этишга ҳақлидир, чунончи ўз ўринбосарларини, бошқарув аппаратининг, барча тармоқ бўлинмаларининг раҳбарларини мустақил лавозимга тайинлаш ва озод этиш, корхона маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг фаолиятига давлатнинг таъсир кўрсатиши жуда камайтирилган. Бу давлат томонидан режалаштириш тартибига ҳам тамомила дахлдордир. Қонунда таъкидланишича, корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради, юқоридан туриб режа белгилаш эса бартараф этилади.

Корхона ўз ихтиёрида қолган фойдани тақсимлаш масаласини ҳам мустақил ҳал этади.

Бозор муносабатларида ишлаб чиқаришни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашнинг мазмуни ва уни ташкил этиш сезиларли даражада ўзгаради.

Қонунда белгиланишича, корхона моддий-техника ресурсларини эркин олди-сотди асосида сотиб олиши, бунинг учун воситачи корхоналардан фойдаланиши мумкин. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ҳам ана шу воситачи вазифасини бажариши мумкин. Шу билан бирга, Қонун лойиҳасининг 22-моддасида таъкидланишича, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган ишларни бажараётган ва маҳсулот етказиб бераётган корхоналарга давлат моддий-техника ресурсларини етказиб беради. Бу қонда, назаримда, жуда муҳимдир. Чунки бир томондан — ўтиш даврида корхона барқарор ишлаши учун қулай шарт-шароит кафолати берилади, бошқа томондан — давлат буюртмаси ҳажмлари ошишини чеклаб қўяди.

Қонун лойиҳасида нархнаво масаласига муҳим ўрин берилган. Қонун лойиҳасида айтилишича, корхона ўз маҳсулоти ва хизматига нарх-навони мустақил асосда, бозордаги талабни, харидорнинг имконияти, бошқа ахборотлар асосида шартнома тузиш йўли орқали белгилайди. Шунга қарамай, нарх-навони назорат қилиш, яккаҳокимликка қарши чора-тадбирни амалга ошириш, айрим ҳолларда — фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадларида нарх-навони тартибга солиш ҳуқуқлари давлат ихтиёрида қолади.

Қонун лойиҳасига киритилган муҳим янгиликлардан бири шундаки, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тартибини белгилашда корхонага тўла мустақиллик берилган. Бизнинг фикримизча, меҳнатни тўғри, тушунишнинг ишончли воситаси, унга ҳақ тўлашда тенгчиликни бартараф этиш воситаси яратилмоқда. Лойиҳанинг 19-моддасида таъкидланишича, ходимнинг меҳнат даромадлари тамомила унинг шахсий меҳнат улушига боғлиқ тарзда белгиланади ва ҳеч қандай мезонда чеклаб қўйилмайди. Фуқароларнинг даромадларини тартибга солиб турувчи ягона мезон, барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, давлат солиғи бўлиб қолади. Шу билан бирга қонунда тадбиркорнинг ортиқча ўзбошимчалигига қарши қоида ҳам борки, унда ходимнинг меҳнатига махсус қонунларда белгиланган энг кам ҳаддан ҳам камроқ ҳақ тўлаш ман этилади.

Қонун лойиҳаси корхоналар капитал қурилиш олиб боришни ҳам тартибга солади. Унда айтилишича, корхона қурилишини амалга оширишда шерик танлашда ёки жой танлашда эркиндир. Бироқ, бу ҳолда жумҳурият қонунларига риоя этиш, бошқа норматив ҳужжатларга, шунингдек қурилиш қонун-қоидаларига амал қилиш шарт.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш Қонун лойиҳасининг махсус бўлимида ажратиб кўрсатилган. Жумҳуриятимиз шароитида, бу ердаги нуфус масаласи анча мураккаб, меҳнатга яроқли одамлар ортиқча, кўпчилик қисмининг турмуш шароити паст бўлган бир - пайтда бундай қилиниши тушунарли, албатта. Қонунда белгиланган бу қоидаларнинг моҳияти шундаки, ҳамон меҳнаткашлар корхонада ишлар эканлар, бу корхона кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, зарур меҳнат шароитлари яратиш учун ҳамда хавфсизлик техникасига риоя қилиш учун маъмурият тўла жавобгар бўлади. Қонун лойиҳасининг мазкур бўлимида корхонанинг хотин-қизлар, меҳнат ветеранлари олдидаги вазифалари санаб ўтилган. Чунончи, корхонада илгари ишлаган пенсионерлар уй-жой билан таъминланишида, тиббий ёрдам хизматидан, ҳар хил хизматлар ва енгилликлардан фойдаланишда ҳозир ишлаётганлар билан тенгдирлар.

Илгари қабул қилинган меҳнат жамоалари тўғрисидаги, давлат корхонаси тўғрисидаги қонунларга хос бўлган камчиликлар ҳисобга олинган ҳолда, лойиҳада меҳнат жамоасининг ҳуқуқлари белгиланган, ишлаб чиқаришни бошқаришда, истеъмол фондини тақсимлашда жамоанинг тутган ўрни таъкидлаб ўтилади. Лойиҳада белгиланишича, меҳнат жамоаси корхона мол-мулкини сотиб олиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда, дам олиш кунларини ва қўшимча таътилларни белгилашда, меҳнат кунини қисқартиришда ва меҳнаткашлар учун бошқа ижтимоий енгилликлар яратишда тенг ҳуқуқли томон бўлиб қолади.

Қонун лойиҳаси жамоа шартномаларини аниқ тартибга солади. Чунончи, меҳнатга яроқли одамларнинг ортиқчалигидан келиб чиқадиган салбий оқибатларни юмшатиш мақсадида қатор тадбирлар белгиланган. Лойиҳанинг 31-моддасида айтилишича, корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилган ҳолларда корхона меҳнаткашларининг эртанги тақдири ҳақида қайғуриши керак. Тегишли давлат идоралари зиммасига эса янги ишчи жойларини тайёрлаш, кадрларни бошқа ихтисосга ўргатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ишсизларга нафақа тўлаш зарурати туғилса — бу нафақани тўлаш учун маблағ ажратиш топиш вазифаси юкланади.

Маҳаллий анъаналар ҳисобга олинган ҳолда корхоналар тўғрисидаги қонун вакиллар кенгаши тузишни назарда тутади. Бу кенгаш маъмурият билан бирга корхона ишларини идора қилиш билан шуғулланади. Бундай кенгашлар хўжаликнинг эгаси бўлмиш субъект томонидан тайинланади ҳамда меҳнат жамоаси томонидан сайланади. Бундай кенгашларнинг ҳуқуқ ва бурчлари махсус низомда белгиланиши назарда тутилади.

Ўртоқлар, ҳозирги босқичда жумҳурият иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири — ишлаб чиқаришни бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эллик тадбиркорлар иштирокида ривожлантириш имконияти борлигидадир. Бу тадбирлар, шубҳасиз, фан-техниканинг тараққий этишига, илғор технологияларни жадал ўзлаштиришга ва пировард натижада — бозорни озиқ-овқатлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан мўл-кўл қилишга кўмаклашади.

Шу сабабли «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонун дахл этадиган соҳага мутлақ ёки қисман Иттифоқ, жумҳурият мулки, чет эл фирмаси ва давлатнинг мутлақ ёки қисман мулки асосида яратилган корхоналар ҳам киритилган. Шу билан қонунда қатор тадбирлар белгиланган. Лойиҳанинг 31-моддасида айтилишича, корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилган ҳолларда корхона меҳнаткашларининг эртанги тақдири ҳақида қайғуриши керак. Тегишли давлат идоралари зиммасига эса янги ишчи жойларини тайёрлаш, кадрларни бошқа ихтисосга ўргатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ишсизларга нафақа тўлаш зарурати туғилса — бу нафақани тўлаш учун маблағ излаб топиш вазифаси юкланади.

Маҳаллий анъаналар ҳисобга олинган ҳолда корхоналар тўғрисидаги қонун вакиллар кенгаши тузишни назарда тутади. Бу кенгаш маъмурият билан бирга корхона ишларини идора қилиш билан шуғулланади. Бундай кенгашлар хўжаликнинг эгаси бўлмиш субъект томонидан тайинланади ҳамда меҳнат жамоаси томонидан сайланади. Бундай кенгашларнинг ҳуқуқ ва бурчлари махсус низомда белгиланиши назарда тутилади.

Ўртоқлар, ҳозирги босқичда жумҳурият иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири — ишлаб чиқаришни бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эллик тадбиркорлар иштирокида ривожлантириш имконияти борлигидадир. Бу тадбирлар, шубҳасиз, фан-техниканинг тараққий этишига, илғор технологияларни жадал ўзлаштиришга ва пировард натижада — бозорни озиқ-овқатлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан мўл-кўл қилишга кўмаклашади.

Шу сабабли «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонун дахл этадиган соҳага мутлақ ёки қисман Иттифоқ, жумҳурият мулки, чет эл фирмаси ва давлатнинг мутлақ ёки қисман мулки асосида яратилган корхоналар ҳам киритилган. Шу билан қонунда ана шундай корхоналарни яратиш ва уларнинг ишлашига оид жиҳатлар Ўзбекистон ССРнинг махсус Қонун ҳужжатлари билан белгиланиши қайд этилади.

Ҳурматли халқ депутатлари! Сизнинг муҳокамангизга ҳавола этилган «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бозор иқтисодиёти қоидаларига тамомила жавоб беради. У рақобат шароитида тадбиркорлик фаолияти учун эркинлик яратиб беради, мулкчиликнинг турли шакллари тенг эканлиги нуқтаи назаридан ёндашади, давлат томонидан бошқарилмайдиган нархларни жорий этиш учун, мол-мулкни, шу жумладан моддий-техника ресурсларини, тайёрланаётган маҳсулот ва хизматларни эркин олди-сотди қилиш учун шароит яратади. Бу тадбирларнинг барчаси иқтисодиётимизни соғломлаштиришга, пулнинг ижтимоий қадрсизланишини, моллар камчиллигини бартараф этиш, даромадларни тақсимлашда ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилгандир.

Қонун давлат ва унинг идоралари билан мулкдор ўртасидаги муносабатларни аниқ тартибга солади. Мулкдор корхона фаолиятининг натижаси учун тамомила жавобгардир. Давлат таъсир кўрсатиши мумкин бўлган соҳа—солиқ сиёсати, яккаҳокимликка қарши чора-тадбирлар, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир. Сўзимнинг охирида шуни таъкидламоқчиманки, Қонун лойиҳасини тайёрлаш давомида қўмитамизга келиб тушган 700 дан зиёд мулоҳазалар ишчи гуруҳимиз томонидан ўрганиб чиқилди.

Қонуннинг лойиҳасини умуман маъқуллаган ҳолда илмий ташкилотлар, вазирликлар, идоралар, хўжалик раҳбарлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва оддий фуқаролар лойиҳанинг қатор моддаларини такомиллаштириш юзасидан қимматли таклифлар киритдилар. Кўпгина таклифлар, хусусан жумҳурият мустақиллигини мустаҳкамлашга, бозор иқтисодиёти қоидаларини янада ривожлантиришга ва меҳнаткашлар учун ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар лойиҳага киритилди. Масалан, 1, 4, 12, 13, 21, 35-моддаларда туштан таклифларга мувофиқ корхоналар фаолиятининг соҳалари анча аниқ белгиланган, Иттифоқ бозорининг бир бутунлигини мустаҳкамлаш назарда тутилган. Бизнинг назаримизда, бундай ёндашув жуда адолатлидир. Чунки у ижроия ҳокимият ичидаги таназзулни бартараф этишга қаратилган бўлиб, бу таназзул ҳозирги қийинчиликларнинг муҳим сабабларидан биридир. Қўмитамиз Қонун лойиҳасига киритилган тузатишлардаги 23 ва 36-моддаларни қабул қилишни лозим деб ҳисобламади.

Таклифларнинг кўпчилик қисми Қонунни қўллаш соҳаларига оид бўлди. Ана шу муносабат билан биз яна бир бор таъкидлаб айтамизки, фойда оладиган барча корхоналар унинг таъсир доирасида бўлади. Қонун амалда хўжалик юритишнинг хўжалик услубини қарор топтиради. Унинг шиори: фойда бўлмаса — корхона ҳам йўқ. Зарар кўриш — бу синиш дегани, яъни корхона фаолиятини тўхтатиш ёхуд технинҳўр бўлиб яшамоқ дегани. Ана шундай ҳолларда жамоа Қонунда кўзда тутилган ҳуқуқларга даъвогарлик қила олмайди.

«Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга ҳавола этар экан, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашларига ва шу орқали иқтисодиётдаги муҳим ўзгаришларга кенг йўл очиб беришларига саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизматлар кўрсатиш ва савдо қўмитаси ишонади.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

ИСЛОМ ОЛАМИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Тарих фанлари номзоди, доцент, Бутуниттифоқ шарқшуослар уюшмасининг аъзоси Аҳаджон Аҳмаджонович Ҳасанов чорак асрдан буён Тошкент Давлат дорилфунуни шарқ факультетида (эндиликда мустақил шарқшунослик институти) араб мамлакатлари тарихидан сабоқ бериб келади. У бир неча йил Миср, Ливия, Жамоҳириясида хизмат қилган ва Сурия ҳамда Ливанда хизмат сафарларида бўлган. Ислом дини ва унинг тарихига оид манбаларни араб тилида таҳлил этган. Олимнинг бугунги суҳбати ислом оламида ижтимоий ҳаётнинг йўналишлари хусусида.

ХАЕТИМНИНГ анчагина қисми шарқ мамлакатлари билан боғлиқ бўлганлиги учун мендан ислом мамлакатларига хос бўлган ижтимоий йўналишлар ҳақида тез-тез сўраб туришади. Бугун ана шу ҳақда айрим таассуротларим билан ўртоқлашмоққа жазм этдим.

Мисрда хизмат қилган вақтим 60-йилларга тўғри келганди. Бу давр араб дунёсида Жамол Абдул Носир даври деб юритилади. Ж. А. Носир араб ёшларининг эътиборини шу даражада ўзига тортган эдики, улар Носир нутқларини ёд олишар, ҳатто талаффузда унга тақлид қилишарди. Бу «тақлид» ҳатто биз муҳожирларни ҳам четлаб ўтмаган. Ж. А. Носир қайси хислатлари билан араб дунёсини ўзига ром этган эди? Бу биринчи навбатда, бутун мамлакатнинг ҳамма табақаларини жипслаштиришга ҳаракат қилгани билан боғлиқ эди. У ислом дунёсини парчаланиш хавфидан қутқариш тарафдори ва толмас курашчиси эди. 1967 йил бошланган Исроил агрессияси Носир режаларини бузиб юборди. Кейинчалик Носир вафотидан кейин унинг ўрнини эгаллаган Анвар Садат даврида бир қатор партиялар тузишга рухсат берилди. Аммо, ислом дини асосида бironта ҳам партия тузилган эмас. Миср ҳозирга қадар ана шу ақидага қатъий амал қилиб келмоқда.

Кейинчалик Ливия ҳаёти билан яқинроқ танишишга муяссар бўлдим. Ливия Жамаҳириясининг раҳнамоси Муаммар Қаддофий ҳам ўз вақтида Жамол Абдул Носирга катта ҳавас билан интилган ёшлардан бири. Бу мамлакатда ҳам исломий партиялар йўқ. Умуман партия тузиш бу ерда катта гуноҳ ҳисобланади. Ливия кўчаларида шундай шиорга кўзингиз тушади: «Ман таҳазаба — хона», яъни «Партия тузган хоиндир».

Ҳозирги даврда Сурия ва Ироқда «исломий» деб аталмиш ҳар қандай сиёсий ҳаракат ҳукуматнинг кескин қаршилигига учрайди. Бу мамлакатларда бундай гуруҳлар асосан яширин фаолият олиб боришади. Айниқса, Ислом мабодийларини (таълимотларини) маҳкам ушлаган Ливия Жамаҳириясининг раҳнамоси Муаммар Қаддофий умумий партияларга мутлақо қарши. Миср, Тунис жумҳуриятлари ва Урдун (Иордания) қироллигида ҳукумат мўътадил оқимлар билан иттифоқ тузиб, ашаддий ва удвоний (аг-рессив) оқимларга қарши курашади. Саудия Арабистони ва Форс кўрфазининг иқтисодий ривожланган давлатларига келсак, улар ўз мамлакатлари ичкарисида ҳамда ўзга юртларда ислом мавқеесини мустаҳкамлашга беҳисоб маблағлар сарф қилсалар-да, ислом партияси тузиш ғоясига батамом қаршидирлар. Худди шу нуқтаи назардан бу давлатларда ҳатто парламент ҳам йўқ. Давлат бошлиқлари қошида маслаҳат кенгашлари — шўролар бор, холос.

ТЎҒРИ, араб дунёси биз учун андоза бўлолмайди, албатта. Ҳар бир халқнинг ўз йўли ва тарихий шароити мавжуд. Бироқ араб тажрибасидан хулоса чиқариш лозим бўлса, шу нарса кўзга ташланадики, мамлакатнинг илғор кучлари ислом дини парчаланишига тарафдор эмаслар. Араблар-нинг мағриби дейсизми, машриқи дейсизми, ҳаммасида бу хусусда фикр яқдиллигини кўрамиз: ислом дини муайян бир миллат ёки давлатга тобе бўлмагани каби бирон бир партияники ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундай экан ислом дини барча мўмин-мусулмонларникидир. Улар учун бирдек азиз ва муқаддасдир.

Бу хусусда бизнинг мамлакатимиз тутган сиёсат ҳам аслида ислом динининг муқаддас бирлигини кўзлайди. Бу борада бизнинг жумҳуриятда ҳам янгилик ихтиро қилишга ҳожат йўқ. Матбуотдан яхши маълумки, 1990 йил 1 октябрда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида» Иттифоқ Қонуни қабул қилинди. Унда таъкидланишича, «ҳар бир фуқаро ўзининг динга муносабатини мустақил тарзда белгилайди» (3-модда), «диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайдилар», «диний ташкилотлар сиёсий партияларнинг фаолиятида қатнашмайдилар ва сиёсий партияларга молиявий мадад бермайдилар», «диний ташкилотлар амалдаги қонунларнинг талаблари ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга мажбурдирлар» (5-модда).

Иттифоқ қонуни асосида қўшни Тожикистон жумҳуриятида ҳам виждон эркинлиги тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу қонунда ҳатто «Тожикистон ССРда ҳеч қандай диний тусдаги партия ёки унинг таркиботларини тузишга йўл қўйилмайди» деган алоҳида банд бор. (7-модда).

Маълумки, бизнинг жумҳуриятимизда ҳам сўнгги пайтларда «ислом партияси» атрофида турлича талқинлар пайдо бўлиб қолди. Баъзилар ҳатто: Октябрь инқилобидан сўнг жумҳуриятимизда ислом партияси тузилган эди, шуни тиклаш лозим, деган шиорлар билан чиқишмоқда. Шуни қатъий айтиш лозимки, «ислом партия»си ташаббускорларининг қарашларида бир қатор англашилмовчилик ва ҳатто ўзига хос «содда муғомбирлик» мавжуд. Аввалом бор, улар инқилобдан кейинги йилларга тааллуқли архив маълумотларини билмасдан туриб тарихга даъвогарлик қилмоқдалар. Ҳатто 1919 йили Туркистон Компартияси қошида В. И. Ленин тавсияси билан тузилган Мусулмон бюросини (Мусбюро) ислом партияси деб талқин қилмоқчи бўладилар. Аслида мутлақо ундай эмас: аксарият аҳолиси мусулмон бўлган Туркистон ўлкасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб ва мусулмон оламида иш олиб бориш юзасидан ана шундай бюро тузилган эди. Аммо бу ташкилот кутилган натижани бермаганлиги ҳам маълум. 9 ой фаолият кўрсатган Мусулмон бюроси, таъбир жоиз бўлса, ҳомилалик даврини ўтади-ю, чала жон туғилди. Тарихий манбаларга суяниб, қатъий айтиш мумкинки, бизнинг ўлкада ҳеч қачон ислом партияси мавжуд бўлмаган, демак уни «тиклаш» ва «уйғотиш»га бўлган уринишлар ҳам мутлақо ножўядир. Бу борадаги айрим «курашчи»ларнинг содда муғомбирлиги шундан иборатки, ислом партияси ниқобидаги ҳаракат аслида ҳокимият учун бўлган интилишнинг ўзгинасидир.

Бугунги кунда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида юз берган оғир танглик шароитида бизнинг олдимизда қандай вазифалар турибди, деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу йўлда бизнинг диний эътиқодимиз виждон эркинлиги бизни қай тарафга етакламоқдалозим? Ана шу саволларни хаёлдан ўтказар эканман, араб дунёсининг бош шаҳарларидан бири бўлган Қоҳира хаёти кўз олдимга келади. Қоҳирада ҳар қадамда булутларга бўй чўзган салобатли масжидларни учратасиз. Жума кунлари шаҳар кўчаларида машиналар қатнови деярли тўхтайди. Номозхонлар масжид сатҳи ва ён атрофидаги кўчаларга сиғмай кетишади. Тоат-ибодат, Оллоҳга такбир келтириш деярли бутун аҳолининг фикри-зикрини эгаллаган бўлади. Аммо ислом дунёсида кўзга ташланадиган хусусият шундаки, бу мамлакатларда ислом ғояларидан адоват мақсадида, ислом йўлидан ҳукуматга қарши, сиёсий мақсадларда фойдаланиш катта гуноҳ саналади. Ана шуларни кўз олдимга келтирганимда, ислом оламидаги ижтимоий ҳаётдан мутлақо бехабар ва ёт бўлган айрим кимсаларнинг «ислом партиялари ва гуруҳлари»га бўлиниб, ўзаро адоват кўзғаш ҳамда миллатлараро гижгижлашга бориб етганларини ўйласам, улар нақадар катта гуноҳга ботишганини кўриб афсус дейман.

Бу қалтис йўлга кирганлар кимлар ўзи? Яқинда бир «ҳужжат»га кўзим тушиб қолди. Бу — «Ислом уйғониш ҳизби» ташкил этишга уринган гуруҳ раисига шу гуруҳ аъзосидан ёзилган ариза эди. Аризагўй ёзади: «...арабий саводим етарли эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, бу гуруҳга аъзоликка ўзимни нолойиқ деб ҳисоблайман...»

Ачинарли жойи шундаки, юқоридаги гап-сўзлар узоқ Арабистонда эмас, бизнинг шаҳри азимда, шу кеча-кундузда юз берган. Яна бир нарса одамни ўйлантиради: айтишларича, шу йил 26 январда ўтказилиши мўлжалланган «Ислом уйғониш ҳизби»нинг таъсис конференциясига жумҳуриятнинг Наманган, Андижон, Тошкент вилоятларидаги районлардан «делегат»лар таширф буюришган. Уларнинг кўплари ҳалол, бироқ ишонувчан кишилардир. Бироқ улар қандай хавфли йўлга тушиб қолишганини билишармикан? Ахир улар ишлаб турган ва яшаётган жойларда ҳаёт тажрибасига эга бўлган оқсоқоллар, ветеранлар йўқми? Наҳотки, инсон фарзанди адашганда улар тўғри сўзини аяб, томошабин бўлиб туришлари керак? Ахир, бир йигитга етти маҳалла отаоналик қилиши керак, деган нақл наҳотки эскирган бўлса! Мана шуларни ўйлаганда, кимларнингдир ноғорасига ўйнаб, ҳавойи мақсадларга берилган ва энг ачинарлиси, ўзлари чуқур идрок этмаган «олий мақсад»лар этагидан тутиб, боши берк кўчаларда адашиб юрган ёшларни наҳотки ўз ҳолига ташлаб қўйишимиз керак. Уларнинг ота-оналари, яқин кишилари, маҳалла-кўй, идора ва ташкилот раҳбарлари, тажрибали коммунистлар бундай бепарволикка чек қўймоқлари керак. Токи, хавойи кўчаларда адашиб юрган ёшларимизни фикри бузуқ, ёмон ниятли кишилар заҳарлаб улгурмасдан туриб уларнинг қалбига тўғри ва соф туйғуларни қуйилик!

Менинг назаримда танглик кўчасидан чиқишнинг якка ва ёлғиз йўли — ақл-заковат билан иш тутишдир. Тарқоқлик ва бошбошдоқлик, фирқа ва гуруҳларга бўлиниш, яхши хислатлар эмас. Бу ҳол, аксинча жамиятни янада танг аҳволга, боши берк кўчаларга етаклаши ва кутилмаган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Юртнинг осойишталиги миллион-миллион софдил кишиларнинг мақсадидир. Бу йўлда куч-ғайратларини парчалаш эмас, аксинча, бириктириш лозим. Қуръони каримда ҳам «Динда зўрлаш йўқдир» дейилиши бежиз эмас. Христианлар ва яҳудиларнинг муқаддас китобларида ҳам айнан шундай йўл-йўриқлар бор. Демак, бутун халқларда ижтимоий адолатга бўлган интилиш бир хилдадир. Мамлакат ва халқлар бахт саодати йўлида адолат йўлидан чекинмайлик.

Аҳаджон ҲАСАНОВ,
доцент.

ХОТИРА — ҚАЛБЛАРИМИЗДА

Иван Наумович ГОРСКИЙ

Иттифоқ аҳамиятига молик пенсионер Иван Наумович Горский 17 февраль куни 95 ёшида вафот этди.

У ўзининг бутун онгли ҳаётини Ватанга, Коммунистик партия ишига хизмат қилишга бағишлади, у 1917 йилдан КПСС аъзоси эди.

Иван Наумович 1896 йил 7 май куни Псков губерниясининг Опочет уездидаги Козлово қишлоғида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1911 йилда бўлис бошқармасида мирзаликдан бошлади. Биринчи жаҳон уруши даврида чор армияси сафларида хизмат қилди. Улуғ Октябрь социалистик инқилобидан сўнг Петроград шаҳрида совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда фаол иштирок этди: Петроград совети аъзолигига сайланди, Қизил гвардия отрядининг командири, ҳарбий топография курсининг ва курсантлар отряди батальонининг комиссари бўлди. 1920 йилдан 1922 йилгача Забайкалье вилоятида ва Узоқ Шарқ республикасида турли лавозимларда хизмат қилди.

И. Н. Горский Ленинград шаҳридаги совет қурилиши ва ҳуқуқ илмгоҳини битиргандан сўнг суд идораларида ва ҳарбий адлия идораларида ишлади. 1937 йилда қатағон қилинди. 1956 йилда эса бутунлай оқланди. 1951 йилдан бошлаб 1961 йилда пенсияга чиққунга қадар Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри халқ хўжалигида турли лавозимларда ишлади.

И. Н. Горский қаерда ишламасин, ҳамма жойда ўз бурчини ҳалол бажарди. У меҳнатсевар, одамларга сезгир ва меҳрибон эди. Шу фазилатлари туфайли у чуқур ҳурмат ва эътибор қозонди.

И. Н. Горскийнинг жамоат ва меҳнат фаолияти Ватаннинг юксак мукофотлари билан баҳоланди. У Ленин ордени, 7 та медаль билан тақдирланди.

Иван Наумович Горскийнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. А. Каримов, Ш. Р. Мирсандов, М. И. Иброҳимов, А. С. Ефимов, А. И. Икромов, Х. А. Исамуҳамедов, Р. Маматова, А. И. Фозилбеков, Ж. Ҳамидов, У. Ҳошимов, Р. Ғуломов, Р. А. Калонов, И. В. Фуженко, В. Н. Маҳмудов.

ХОТИРА — ҚАЛБЛАРИМИЗДА

Ўзбекистонда совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилганига икки йил тўлгани муносабати билан хайрия тадбири бошланди. Тадбир республика байналмилалчи жангчилар ва запасдаги аскарлар уюшмасининг ташаббуси билан Ўзбекистон маданият вазирлиги ва касаба уюшмалари билан биргаликда ўтказилмоқда.

Ўзбекистонлик бир ярим мингдан зиёд йигит Афғонистон урушидан қайтиб келмади. Республикада уларни унутишмаган. Шунинг учун ҳам Тошкент жамоатчилиги бу хайрия тадбирини кенг қўллаб-қувватламоқда.

Шу кунларда байналмилалчи жангчилар Туркистон ҳарбий округининг, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг вакиллари билан учрашдилар. Жанговар дўстларнинг учрашув кечалари, афғон урушининг номаълум саҳифалари тўғрисида давра суҳбат-мунозаралари ўтказилади. Афғон уруши тўғрисидаги «Қандаҳор оташида қуйганлар» ва «200 рақамли юк» фильмларининг яратувчилари афғончи жангчиларни ва ҳалок бўлганларнинг оилаларини ижодий учрашувларга таклиф қилишмоқда. Бадиий ва мусиқий жамоалар шу кунларда хайрия спектакллари ва концертлари қўйишмоқда. Бундан тушган маблағ байналмилалчи жангчилар уюшмаси ҳисобига ўтказилади. Ўтказилган пуллар «афғончи» ногиронларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам бериш учун сарфланади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ИЛМГОҲИ

кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқитувчилар: инглиз тили фонетикаси ва фонологияси, қуйи курсларда инглиз тили лексикаси (2), немис тили лексикаси ва услубиёти, немис тили грамматикаси ва тарихи, сиртқи куллиётда инглиз тили, кечки ва сиртқи куллиётларда француз тили, махсус курсларда чет тиллари (инглиз тили), рус тили ва адабиёти (2).

Танлов муддати — 1 мартгача.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ГРАНИТ» ЎРТА ОСИЕ МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ

ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

— алоқа ва бошқарув системаларини;
— ахборотларни узатиш ва қайта ишлаш системаларини;
— технология жараёнларининг автоматлаштирилган бошқариш системаларини яратиш ва жорий қилиш юзасидан

юқори малакали тадқиқотлар ва ишланмаларни ўтказиш.

— Ресурсларни мақсадга мувофиқ тарзда тақсимлаш вазифаларини ҳал қилиш дастурларини;
— ҳар қандай саноат буюмларининг сифатини баҳолаш бўйича эксперт системаларини;
— улкан ҳажмдаги ҳисоб маълумотларига ишлов бериш дастурларини

ўрнатиш ва жорий қилиш.

Замонавий хусусий ЭҲМ лар негизида қуйидаги автоматлашган ишчи ўринларини ўрнатиш, улаш ва жорий қилиш;
— ҳисоб-китоб қилувчи ҳисобчи;
— молиячи-ҳисобчи;
— моддий бойликларни ҳисобга олувчи ҳисобчи;
— смета тузувчи;
— тўлдириш бўйича муҳандис;
— ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси;
— омборчи ва ҳоказолар.

Маълумотлар майдонини ЕС ва СМ ЭҲМдан хусусий ЭҲМга кўчириш.

Ҳисоблаш ва кўпайтириш техникаси воситалари, хусусий ЭҲМ тармоқлари, алоқа воситалари, факсимиль аппаратура воситаларини ўрнатиш; созлаш, таъмирлаш ва техника хизмати кўрсатиш.

Манзилимиз: 700107. Тошкент шаҳри, Қирқ қиз кўчаси, 10-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 77-35-80, 77-72-52.

28 февраль — 1 март кунлари

САМАРҚАНД ШАҲРИДА

Вилоят физкультура ва спорт комитети Спорт зали биносида

(Гагарин кўчаси, 85«а» уй)

ОРТИҚЧА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДОСИ БЎЙИЧА

ЖУМҲУРИЯТЛАРАРО ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

Улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, саноат корхоналари ва ширкатларнинг вакиллари ярмаркада иштирок этиш учун таклиф қилинадилар.

Ярмарка қатнашчилари 26—27 февралда етиб келишлари лозим.

Узбекистон матлубот жамиятлари уюшмаси.
Узбекистон ССР Савдо вазирлиги.
Узбекистон Савдо воситачилиги ташкилоти.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/II да **Кармен**, 22/II да **Дунёнинг яратилиши**, 23/II да **Евгений Онегин**, 24/II да **Коппелия** (12.00), **Раймонда** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да **Жар**, 22/II да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари**, 23/II да **Тўмарис**, 24/II да **«Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 21/II да **Гул ва Наврўз**, 22/II да **Куёвлар конкурси**, 23/II да **Дардимни айтаман, куласизми?..** 24/II да **Дардимни айтаман, куласизми?..**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да **Майсаранинг иши**, 22/II да **Кулги ва қўшиқ кечаси**, 23/II да **Гўзаллар ва миршаблар**, 24/II да **Фармонбиби аразлади.**

Тошкент Давлат маданият олий илмгоҳи ректорати, жамоат ташкилотлари, СССР тарихи кафедрасининг мудири, доцент О. С. Ризаевга акаси

Солиҳ РИЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар олий илмгоҳи ректорати ва жамоат ташкилотлари олий билимгоҳ проректори, профессор Ж. Т. Рўзиевга отаси, партия ва меҳнат ветерани, шахсий пенсионер

Тайлоқ РУЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалиги олий илмгоҳи ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари умумий деҳқончилик кафедрасининг доценти А. А. Расуловга онаси

Нури РАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий илмгоҳи жамоаси қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш куллиётининг декан ўринбосари, «Тракторлар ва автомобиллар» кафедраси доценти П. А. Абдураҳмоновга ўғли

Баҳодир Пўлатович АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Огоҳ бўлинг

БЕДАВО ДАРД

Яқинда Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида таълим олаётган чет эллик уч нафар талаба ватанига қайтариб юборилди.

—Бунинг сабаби уларнинг ўта хавфли, даволаб ҳисобланган СПИД касаллигининг вирусларини ташиб юрувчи эканликларидир, — дейди Тошкент шаҳар СПИДга қарши кураш марказининг бош врачи С. У. УСМОНОВ.

Биз билан суҳбатда Собир Умарович яна қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўтган ҳафта мутахассисларимиз учун кутилмаган воқеа содир бўлди. СПИД вирусини ташиб юрганлиги аниқланган чет эллик бир талабани тиббий кузатувчи ҳамроҳлигида Москвадаги марказга жўнатган эдик. Ў уч кун ўтгач «соғлом» деган ҳужжат билан қайтиб келса бўладими?

Москвага жўнатилаётганда у бир ҳамюрт дўстини ҳам бирга боришга рухсат олганини эсладигу, тахминий қилиб қайта текширув ўтказдик.

Текширувимиз унинг вирус ташиб юрувчилигини яна бир бор исботлади. У бир ярим кунда Тошкентдан марказга жўнатиб юборилди. У республикамиздаги аниқланган вирус ташуви 19-шахсдир. Олдин хабар қилинганидек, улардан уч киши республикамизнинг туб фуқаросидир. Бири Волгограддан ташриф буюрган меҳмон аёл эди. 15 нафари эса асосан СПИД касаллиги кенг тарқалган Бурунди, Жазоир, Панама, Уганда, Эфиопия каби мамлакатлардан келиб, Тошкент дорилфунуни, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олийгоҳларида таълим олаётган талабалар ва хизматга келган ишчилардир.

Шуни унутмаслик керакки, СПИД асосан гиёҳвандлар, фоҳиша-ю фоҳишабозлар, бесоқол ва бесоқолбозлар ҳамда тартибсиз жинсий алоқа қилувчиларнинг йўлдошидир.

Ваҳоланки, шундай экан, барчамиз бундай ҳолатларга бефарқ қарашимиз асло мумкин эмас. Покиза ҳаёт миллий эътиқодимиз эканлигини унутмайлик!

Суҳбатни республика Саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими Абдумажид ЭРГАШЕВ ёзиб олди.

Республикамиз пойтахти — Тошкентда III Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали иштирокчилари—пойтахт вилояти маданият уйлари қошидаги ашула ва рақс, фольклор-этнографик, мақомчилар, оғлавий ва хор даста-лари, шунингдек, тарғибот театри қатнашчиларининг якунловчи концерти бўлиб ўтди. Ҳаваскорларга Бутуниттифоқ фестивалининг қуйи босқичида ғолиб чиққанликлари учун мукофот ва дипломлар топширилди.

СУРАТДА: Калинин ноҳияси маданият уйи ҳузуридаги «Ҳосил» ашула ва рақс ансамблининг чиқишларидан бир кўриниш.

Суратчи С. ПЕДУНЕНКО.

«02» ХАБАРЛАРИ

ХАЛҚ ҲАҚИГА ХИЕНАТ

Хоразм вилоятининг Урганч районидаги «қишлоқ хўжалиги тайёрлов саноати» идорасига қарашли Қизилжар ишчи кооперацияси омборхоналари БХСС ва Давлат хавфсизлик қўмитаси ходимлари томонидан текширилди. Улар омборхоналардан бирида 100 тонна гуруч ва 30 тонна асал қонунсиз сақланаётганини аниқладилар.

Тайёрлов идораси директори бу ҳолни ёпти-ёпти қилиш мақсадида тафтишчиларга 40 минг сўм пул ваъда қилади ва у пора бераётганида қўлга олинди.

ЭГРИ ҚУЛЛАР

Тошкент шаҳрининг Куйбишев районида жумҳуриятнинг Ички ишлар вазирлигининг Улуғбек посёлкасида жойлашган собиқ даволаш-меҳнат санаторийсидан учта кондиционер ва олтита телефон аппаратини ўғирлаган шахслар ушланди. Бу эгри қўллар Тошкент гарнизони ҳарбий қисмларидан бирида хизмат қилувчи уч киши бўлиб чиқди. Улардан олинган ашёвий далил ва материаллар ҳарбий прокуратурага топширилди.

ТУНГИ ҚАРОҚЧИ

26 январга ўтар кечаси Чилонзор районининг 7-кварталидаги 45«Б» уй олдида номаълум шахс «Хирмон» кооперативи ишчиси К. Алиевга пичоқ ўқталиб, эгнидаги курткасини ечиб, қўлидаги магнитофонини тортиб олди ва ғойиб бўлди.

Жабрланувчи дарҳол Чилонзор райони ижроия қўмитасининг ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Зудлик билан олиб борилган қидирув ишлари беҳуда кетмади. Тунда эўравонлик қилган жиноятчи 79-ўрта мактаб ўқувчиси 16 ёшли Х. Маннинов экан.

В. САФИУЛОВ,
республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-78, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-84, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-53, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 4871.

№ 37. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12